

НЕГА АЙРИМ АВТОМОБИЛЬ ЙЎЛЛАРИ
ХАТТО 1-2 ЙИЛГА, ХАМЧИДАБ-БЕРА ОЛМАЯПТИ, КЎП-ЎТМАЙ АБГОР-ХОЛГА ТУШИБ ҚОЛАЯПТИ?



ИШСИЗ ЁШЛАРГА ЕР АЖРАТИЛДИ



ХОДИМ БАХТСИЗ ХОДИСА ОҚИБАТИДА ВАФОТ ЭТСА, УНИНГ 6 ЙИЛЛИК ЎРТАЧА ОЙЛИК МАОШИ ОИЛА АЪЗОЛАРИГА ТЎЛАБ БЕРИЛАДИ



ҚАХРАМОН ҚАБРИ ҚАРОВСИЗ ҚОЛМАЙДИ



№ 17
2021-йил, 28-апрел
Chorshanba (32.659)

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

1918-йил 21-iyundan chiqq boshlagan

Улуғлардан улуғимсан, Ватаним!

O'zbekiston O'vozi

ХУКУМАТ ҲИСОБОТИ БЎЙИЧА ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ ФРАКЦИЯСИНING МУНОСАБАТИ



Халқ демократик партияси фракцияси "Ёшларни қўлаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили" давлат дастурининг 2021 йил 1 чораги якунлари тўғрисидаги ҳукумат ҳисоботини атрофлича кўриб чиқди. Фракция пандемия шароитида ҳукумат томонидан мамлакатимиз барқарорлигини таъминлаш учун барча зарурий чоралар қўйлаётганини эътироф этади. Шунинг билан бирга, ҳукумат ҳисоботининг айрим жиҳатларига ўзининг қуйидаги танқидий муносабатини билдиради.

Биринчидан, даромад манбаига эга бўлмаган аҳоли қатламларини ишсизликдан ҳимоялаш, давлат ресурслари ва имкониятларидан реал иш ўринлари яратиш йўлида самарали фойдаланиш ҳукумат олдидаги асосий вазифага айланиши зарур.

Ҳисобот аҳоли бандлиги бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар самарадорлиги етарли даражада эмаслигини кўрсатмоқда. Республикада ишсизлик ҳамон юқориликда сақланиб қолаётгани ҳақиқий вазиятни намоён этиб, ушбу муаммо ҳусусида аниқ, самарали чора-тадбирлар қўришни тақозо қилмоқда.

Янги иш ўринлари яратиш мамлакат иқтисодиёти ўсётганининг асосий шартларидан биридир. Ҳукумат бу масалага ижтимоий барқарорлиқнинг муҳим шarti сифатида ёндашиши зарур, деб ҳисоблаймиз.

Иккинчидан, соғлиқни сақлаш тизимида бепул тиббий хизматлар пакетини жорий этиш Халқ демократик партияси электорати манфаатлари нуқтаи назаридан жуда муҳим масала эди. Айниқса, пандемия шароитида бунинг аҳамияти янада ошди.

Давлат дастурининг 184-бандида бепул ёрдам кўрсатиш пакети бўйича бўлган ҳал қилинадиган масала эмас. Бу бўйича аниқ механизмни назарда тутадиган норматив ҳужжат ишлаб чиқиш зарур. Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш борасидаги ишловларни ҳаётга татбиқ этиш бўйича парламент комиссияси ва фракциямиз бу бўйича ҳамкорлик қилишга тайёр.

Учинчидан, Давлат дастурининг 145-бандида белгиланган аҳолининг минимал истеъмол ҳаражатларини эълон қилиш вазифаси ҳар хил вақтларни кўрсатиб ижро этилмаган.

Халқ демократик партияси электорати учун муҳим аҳамиятга эга бўлган ушбу масала ижроси мунтазам равишда орқага сурилиб келмоқда.

Президент томонидан биринчи марта яшаш минимуми ўтган йил 1 октябрга қадар белгиланган вазифа қилиб қўйилган эди.

Ушбу масала Президент Мурожаатномасида ҳам таъкидлаб ўтилган. Аммо ҳисоботда келтирилишича, бу сафар ҳам топшириқ муддатига бажарилмаган.

Тўртинчидан, Давлат дастурининг 7-бандида вазирлик ва идораларнинг маъсулларни фаолиятига баҳо бериш бўйича алоҳида тизим яратилиши белгиланган.

Баҳолаш жараёнларида халқ вакиллари, яъни депутатлар иштирокини ҳам таъминлаш механизми қўлланилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Шунингдек, Давлат дастурининг биринчи чорак ижросида 194 та депутатлик сўровлари 100 фоиз бажарилган, деб кўрсатилган.

Ваҳоланки, депутатлик сўровларининг аксарият қисмига тушунтириш хатлари юборилган.

Бундан кейин депутатлик сўровларининг ижроси билан боғлиқ ҳисоботни тоифаларга ажратган ҳолда юритиш лозим. Яъни, "сўров ижроси таъминланди", ёки "тушунча берилди", деган мазмундаги таклифларни илгари сурагимиз.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси Ҳукумат томонидан тақдим этилган ҳисоботни маъқуллади.

Улуғбек ИНОЯТОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги
ЎзХДП фракцияси раҳбари

ХАЛҚАРО МАЙДОНДА



АҚШдаги «ИЛҒОР ЖАНГЧИ» МУСОБАҚАСИДА

ҲАРБИЙЛАРИМИЗ РЕКОРДЛАРНИ ЯНГИЛАДИ

Шу йилнинг 19-24 апрель кунлари Америка Қўшма Штатларининг Миссисипи штатидаги «Camp Shelby» ҳарбий ўқув базасида «Илғор жангчи» мусобақасига старт берилди. Иштирокчилар 20 дан ортиқ шартни ўзида жамлаган 8 йўналиш бўйича ўзаро беллашди.

ХУШХАБАР

Менделеев кимё олимпиадасида қатнашган 7 нафар ўқувчи

1 та олтин, 4 та кумуш ва 2 та бронза медалларига сазовар бўлишди

Халқ таълими вазирлиги матбуот хизматининг маълумотига кўра, жорий йилнинг 20-26 апрель кунлари 28 давлат ўқувчилари ўртасида 55-Халқаро Менделеев кимё олимпиадаси онлайн тарзда ўтказилди. Мазкур ташкил этилган олимпиадада Ўзбекистон шарофити 7 нафар ўқувчи ҳимоя қилиб, барчаси медаль соҳиби бўлди.

Халқаро олимпиада Халқ таълими вазирлигининг Фан олимпиадалари бўйича иқтидорли ўқувчилар билан ишлаш департаменти томонидан Тошкент шаҳар Юнусобод туманидаги ахборот технологияларига ихтисослаштирилган 9-мактабда ўтказилди.

Халқаро олимпиада икки назарий турда ўтказилди. Илк босқичда барча иштирокчилар 8 та мажбурий масала ишлаган бўлса (жами 80 балл), иккинчи босқичда кимё фанининг 5 бўлимига оид 15 масаладан ихтиёрий 5 тасини ишлаш талаб қилинди (жами 75 балл). Икки босқич натижаларига кўра ғолиб ўқувчилар аниқланди.

55-Халқаро Менделеев кимё олимпиадасида совриндор бўлган ўзбекистонлик ўқувчилар:

Бухоро шаҳар 35-умумий ўрта таълим мактаби ўқувчиси Фирдавс Собиров олтин медалга, Абу Али ибн Сино номидаги ёш биологлар ва кимёгарлар ихтисослаштирилган мактаб-интернати ўқувчиси Азимжон Жамолов, Тошкент педиатрия тиббиёт институти академик лицейи ўқувчиси Собиржон Аманов, Тошкент педиатрия тиббиёт институти академик лицейи ўқувчиси Нафиса Нормуродова ҳамда Абу Али ибн Сино номидаги ёш биологлар ва кимёгарлар



ихтисослаштирилган мактаб-интернати ўқувчиси Дурдона Мухтархужаевалар кумуш медалларга лойиқ топилган бўлса, Абу Али ибн Сино номидаги ёш биологлар ва кимёгарлар ихтисослаштирилган мактаб ўқувчиси Икромиддин Боймаҳаммадов ҳамда Тошкент педиатрия тиббиёт институти академик лицейи ўқувчиси Бегзод Рўзиевлар бронза медалларига сазовар бўлишди.

Ғолиб иштирокчиларга диплом, медал ҳамда соғва қилинадиган китоблар ташкилий қўмита томонидан почта орқали жўнатилади.

Онлайн тарзда ўтказилган 55-Халқаро Менделеев кимё олимпиадасида лицейимизнинг 3 нафар иқтидорли талабалари иштирок этиб, учаласи ҳам юқори натижаларни кўрсатди, яъни Собиржон Аманов ва Нафиса Нормуродовалар кумуш медални қўлга киритган бўлса, Бегзод Рўзиев бронза медал билан

тақдирланди, — дейди Тошкент педиатрия тиббиёт институти академик лицейи директори, профессор, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси Ортиқбой ЭШОНҚУЛОВ. — Ўтган йиллар давомида академик лицейимиз ўқувчилари жаҳон ва халқаро Менделеев олимпиадаларида муносиб иштирок этиб, 11 та олтин, 24 та кумуш ва 45 та бронза медалларига сазовар бўлган. Шундай қилиб, лицейимизнинг жами медаллари сони 80 тани ташкил этмоқда. Бундан ташқари, жамоамизнинг яна бир энг катта ютуғи, ўтган йилда 31-Бутунжаҳон биология фани олимпиадасида лицейимиз ўқувчиси иштирок этиб, олтин медални қўлга киритди. Бу Ўзбекистон таълим тизими тарихида биология фанидан олинган илк олтин медал ҳисобланади.

Тоштемир МУРОД,
"Ўзбекистон овози" мухбири.

ДЕПУТАТ ФИКРИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашлар депутатлари бугунги куннинг долзарб масалалари тўғрисида ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришмоқда.

Мақсуда
ВОРИСОВА,
Олий Мажлис
Қонунчилик
палатасидаги
Ўзбекистон
ХДП фракцияси
аъзоси:



— Бугунги кунда Олий Мажлис Қонунчилик палатасида муҳокама қилинаётган "Давлат тили тўғрисида"ги қонун лойиҳаси депутатлар ўртасида қизгин мунозараларга сабаб бўлмоқда. Таклиф этилаётган лойиҳада давлат идоралари ходимлари лавозим вазифалари даражасида давлат тилини билиши шартлиги, иш юритиш давлат тилида олиб борилиши, давлат органларига барча ҳисоботлар давлат тилида тайёрлаб, топширилиши белгиланмоқда. Бунинг учун ҳар бир ташкилот ва муассаса ходимларга давлат тилини ўрганиши учун шароит яратиши зарур, деб кўрсатилган.

Менимча, ўзбек тилини давлат тили сифатида ривожлантириш учун аввало, ана шу шартлар бажарилиши керак. Баъзи сиёсатчиларимиз талаб қилаётганидек, давлат идораларига фуқаролар томонидан мурожаатлар фақат давлат тилида бўлиши шартлиги совет тузуми даврида ҳар қандай расмий ҳужжат ва фуқаро мурожаатлари рус тилида бўлиши кераклигини эслатмоқда. Бу эса инсон ҳуқуқларининг чекланишига сабаб бўлади. Худди шунингдек, ўзбек оилалари фарзандлари учун фақат она тилида таълим олиш шартлигини таклиф этиш халқаро меъёрий ҳужжатлар, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги қонун каби бир қатор фундаментал ҳужжатларга мутлақо зиддир.

Фикримча, тил инсонларни бир-бирига қарши қўвчи қурол эмас, балки богловчи восита бўлиб қолсин.



Дилором
ИММОВА,
Олий Мажлис
Қонунчилик
палатасидаги
Ўзбекистон
ХДП фракцияси
аъзоси:

— Ҳар қандай қонун жамиятдаги муаммо келиб чиқилишининг олдини олишга, мажбурларини ҳал этишга хизмат қилиши ва ҳеч бир қонун фуқаролар ўртасида зиддиятлар келтириб чиқармаслиги керак. Шу кунларда қуйи палатада кўриб чиқилаётган қонун лойиҳаси ҳам бундан мустасно эмас. Шу жиҳатдан баъзи таклифлар пухта ўйланмай, қабул қилинса, турли норозиликларни келтириб чиқариши мумкин. Сабаби шундаки, бугунги шароитда фуқароларда тил ўрганиш билан боғлиқ талабларни бажаришга имкони йўқ.

Бир жиҳатни тан олиш кераки, қўп йиллар давомида ўзбек тилини давлат тили сифатида ривожлантириш билан боғлиқ масала оқсаб келди. Ваҳоланки, бунинг учун зарур ҳужжатлар мавжуд бўлган. Турли соҳалардаги ихтисослашган атамалар базаси шакллантирилмади. Бундан ташқари, илмий адабиётларнинг давлат тилидаги нашрлари жуда кам. Қўп ҳолларда рус тилидан таржималар сўзма-сўз ёки нотўғри бажарилади. Ачинарлиси, маънавият тарғиботчилари бўлган ОАВ, хусусан, телевидение ва радио йўналишлари орқали ўзбек тилини ишлатишда белгиланган меъёрларга эътибор берилмайди. Бир муаммони ҳал этишда унга комплекс ёндашиш талаб этилади. Акс ҳолда, унинг илдизига етиб бориш, ечимини топишнинг имкони бўлмайди.

Фирдавс
ШАРИПОВ,
Олий Мажлис
Қонунчилик
палатасидаги
Ўзбекистон
ХДП фракцияси
аъзоси:



— Тил ҳақида гап кетганда, мени ҳамisha ўйлантирадиган бир жиҳатга тўхталмоқчиман. Яъни, қўлаб ота-оналар фарзандини рус синфларида ўқишини истайди ва ҳамisha уларга талаб юқори бўлган. Ота-оналарни бунга нима мажбур қилади? Боласининг ўз она тилини билишини истаганидан эмас, назаримда. Шунчаки уларда рус синфларида ўқийдиганларнинг билими юқори бўлади, деган қараш шаклланган. Аслида-чи? Ўшбу саволга жавоб топиш учун ўқув дастурлари ёки рус ва ўзбек синфлари битирувчиларининг билим даражаси солиштириб кўрилиши лозим. Ана шунда ҳақиқий ҳолат равшанлашади.

Ҳар қандай жамиятнинг ривожланишида замонавий билимларга эга мутахассислар, яъни ҳақиқий кадрлар зарур. Бундай ёшларнинг қайси тилда ўқиш, ўрганиши муҳим эмас. Асосийси, натижа бўлсин, иланишлари самара берсин. Шу жиҳатдан олиб қараганда, билим олишда тилни чеклаш салбий оқибатларга олиб келиши мумкин. Қонунчилик палатасида муҳокама қилинаётган давлат тилига оид лойиҳада ана шу жиҳатлар инобатга олинishi мақсадга мувофиқдир. Ҳар бир инсон ўз она тилини севади, қадрлайди. Лекин унинг давлат тили сифатида тўла-тўқис намоён бўлишида шомшаошарликка йўл қўйиб бўлмайди. Йиллар давомида йилгиланг муаммони қўсқа вақтда ҳал этишга интилиш жамиятда ноҳуш ҳолатларни юзга келтириши мумкинлигини инобатга олган ҳолда, босқичма-босқич ечим топиш керак.

МУРОЖААТНОМА

Ислохотларимиз халқимизнинг кундалик ҳаётида ўз
ифодасини топиши, кутган натижаларимизга эришиш кўп
жиҳатдан давлат бошқарувидаги самарадорликка бевосита
боғлиқ.

ЯНГИ РУКН:

ХДП МУНОСАБАТ БИЛДИРАДИ

**БАНДЛИК ВА МЕХНАТ МУНОСАБАТЛАРИ ВАЗИРЛИГИ
РАҚБАРИЯТИНИНГ ФАОЛИЯТИГА ҚАТЪИЙ БАҲО
БЕРИЛИШИ ЗАРУР**

Оммавий ахборот воситаларида Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги томонидан ишга юборилган 500 га яқин юртдошимизнинг норозилик намойиши ўтказганлиги тўғрисидаги хабарлар тарқалди.

Уч ойдан бери карантинда, шахсини тасдиқловчи ҳужжатсиз, ва еишида ва на дам олишида ҳаловати йўқ, шароитсиз қийнаётган юртдошларимизни кўз олдингизга келтирсангиз, ҳам раҳмингиз келадди, ҳам қаҳрингиз.

Самимий, меҳнатқаш, бағрикенг халқимиз ўғлонларининг ўзга юртларда иш излаб, ўз ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қилишга мажбур бўлишига ким айбдор?..

Нима учун Ўзбекистон арзон ишчи кучи етказиб берувчи давлатга айланиб қоляпти?..

Ташқи миграция агентлиги вазият бўйича баёнот берди, бу вазият юзага келгани учун, энг аввало, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ва агентлик масъуллари айбдор эмасмилар?

Баёнотда ўрганиш ишлари олиб борилиб, ушбу вазият назоратга олингани, муаммоларни бартараф этиш бўйича «АНТЭК» МЧЖ раҳбарияти билан музокаралар олиб борилаётгани айтиб ўтилган.

Юртдошларимизнинг ҳужжатлари олиб қўйилиб, эркинликлари чекланган ҳолатда мажбуран ушлаб

турилиши — инсон ҳуқуқларига зид эканини инобатга олсак, давлат ҳимоясида эканлигига ишонч билан кетган фуқароларимизнинг ҳуқуқлари поймол бўлишига Агентлик ёки вазирлик масъулларида жавоб борми?..

Юртдошларимиз дунёнинг қайси манзилида бўлишса ҳам уларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари ҳимоя қилиниши шарт.

Норозилик намойиши келиб чиқиш сабаблари атрофлича ўрганилиб, юртдошларимизнинг ҳуқуқлари тикланиши, масалани тинч йўл билан ҳал қилиш ва ушбу вазият юзага келишига айбдор барча шахслар тегишли тартибда жазоланиши шарт, деб ҳисоблаймиз.

Мамлакатимизда бандлик масаласи жуда долзарб бўлиб бораётган вақтда, масъул вазирликнинг бунга нисбатан аниқ мақсадли, натижалли режалари, стратегияси борлиги сезилмаяпти. Шу боис, ҳукумат аҳоли бандлигини таъминлаш, меҳнат мигрантлари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ сивбатини тубдан қайтадан кўриб чиқиши, бу борада сусткашлик қилаётган Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги раҳбариятининг фаолиятига қатъий баҳо бериши зарур, деб ҳисоблаймиз.

**МАМЛАКАТИМИЗ ИЛМИЙ САЛОҲИЯТИ
ЮКСАЛАЁТГАНИНИНГ МУҲИМ БЕЛГИСИ**

Дунёдаги ҳозирги юксак илмий-технологик тараққиёт асосида инсоннинг ақл-заковати натижасида яратилган ютуқлар турибди. Шу маънода инсон ҳар қандай давлатдаги энг қимматли капитал ҳисобланади. Қайси давлатлар бу капитални ривожлантириш бўйича тўғри стратегия белгиланган бўлса, ўз халқининг турмуш фаровонлигини оширишга эришмоқда.

Мамлакатимизда кейинги йилларда амалга оширилаётган изчил ва кенг қамровли ислохотларнинг бош ғояси мана шу эзгу мақсадга қаратилган. Бу ислохотлар ўз мевадорлигини бера бошлади, десак ҳеч муболага бўлмайди.

Кеча Буюк Британиянинг олий таълим соҳасига оид муҳим масалаларни ёритувчи ва университетлар фаолиятини баҳолаб борувчи Times Higher Education ташкилоти ўзининг навбатдаги THE Impact Ranking рейтинг натижаларини эълон қилди. Ушбу рейтингда Тошкент давлат юридик университети дунёнинг 94 та минтақа ва давлатларидан қатнашган минглаб университетлар орасида 401-ўринни эгаллади. ТДЮУ мазкур рейтингда Ўзбекистондаги ОТМ-лар орасида энг юқори натижани қайд этди.

Халқаро рейтингларга кириш шунинг учун


муҳимки, биринчидан, Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги обрўси ошишига хизмат қилса, иккинчидан, мамлакатда илмий салоҳият юксалаётганининг амалий белгисидир.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси олий таълим тизимида мазкур йўналишда бошланган ислохотларни жадал давом эттириш муҳим, деб ҳисоблайди. Бу юртимизда илгор таълим стандартлари жорий қилинишига, етук мутахассислар тайёрланишига шароит яратади.

Партияимизнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси олий таълим тизими бўйича белгиланган стратегик вазифаларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши устидан таъсирчан парламент ва депутатлик назоратини амалга ошириб боради.

Ишонамизки, дунёнинг энг нуфузли рейтингларидан урин олган олий таълим муассасаларимиз сафи яна кенгайди. Бунинг натижасида эса илгор фикрловчи кадрлар етишиб чиқиб, мамлакатимиз янада раванқ топишига хизмат қилади.

**Ўзбекистон Халқ демократик партияси
Ахборот хизмати**



АҚШдаги «ИЛҒОР ЖАНГЧИ» МУСОБАҚАСИДА ҲАРБИЙЛАРИМИЗ РЕКОРДЛАРНИ ЯНГИЛАДИ

Юртимиз шаънини ҳимоя қилган III даражали сержант Дилмурод Сулаймонов ҳамда кичик сержант Хайрулло Олимов мазкур беллашувнинг барча шартларини муваффақиятли бажариб, эстафета ҳамда узок масофага югуришда шу кунгача қайд этилган мусобақа рекордини янгилади. Кейинги 4 та йўналиш бўйича кечган мусорасиз баҳслар ҳам рекордларга бой бўлди. Қувонарлиси, бу натижаларга ҳам ҳамюртларимиз муаллифлик қилишди. Унда сунъий тўсиқлар йўлагидан ўтиш, узок масофага маршни амалга ошириш, жанг шароитида ярадорга текзор тиббий ёрдам кўрсатиш ҳамда иштирокчиларнинг туғиш шароитида ҳарбий топография бўйича билим ва маҳоратлари синовдан ўтказилди. Ўнга яқин тўсиқларни ўзида жамлаган, узунлиги 900 метр бўлган йўлакдан ўтиш баҳсларида вакилларимиз муваффақиятли иштирок этиб, ушбу шартда ҳам тенгсиз эканликларини яна бир бор намойиш этишди.

Ҳамюртимиз кичик сержант Хайрулло Олимов баландлиги 8 метр бўлган мураккаб шаклдаги ёғоч тўсиқча чиқиш ва турли арқондан фойдаланиб ундан тутиш, кенглиги ҳаммаси 20 метр бўлган сув ҳавзасидан арқон ёрдамида ўтиш, нотекис ва ностандарт мувозанатга эга бўлган турли сунъий тўсиқлардан ўтишни ўзида жамлаган мажмуавий машқларни 9 дақиқа-ю 20 сония вақт ичида бажариб, мусобақа рекордини янгилади.

Кейинги шартда иштирокчилардан 18 кг. юк билан белгиланган вақт оралиғида 20 километрик масофани босиб ўтиш талаб этилди. Мазкур шартда ҳар икки ҳарбий хизматчимиз ҳам рақибларидан илдам ҳаракатланиб, марра чизигини 2 соат 2 дақиқада босиб ўтиб, мусобақа

натижаларини янгилашга эришди. Жанг майдонида тез тиббий ёрдам кўрсатиш машқида иштирокчилар 4 та ўқув саволи бўйича синовдан ўтди. Унга қўра, 4 нафар турли қўринишдаги ярааланган жангчиларни жанг майдонидан олиб чиқиш, улардаги шикастланиш даражасини аниқлаш, ташқи ҳаёт белгиларига қараб биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш, шунингдек, ёпиқ ёки очик синиш каби жаражат олганларга текзор муолажа қўллаш ҳамда уларни хавфсиз ҳудудга эвакуация қилиш вазифаларини бажаришди.

Шу кунги иштирокчиларнинг туғиш шароитларда ҳарбий топография бўйича билим ва маҳоратлари синовдан ўтказилди. Ўнга яқин тўсиқларни ўзида жамлаган, узунлиги 900 метр бўлган йўлакдан ўтиш баҳсларида вакилларимиз муваффақиятли иштирок этиб, ушбу шартда ҳам тенгсиз эканликларини яна бир бор намойиш этишди.

Ҳамюртимиз кичик сержант Хайрулло Олимов баландлиги 8 метр бўлган мураккаб шаклдаги ёғоч тўсиқча чиқиш ва турли арқондан фойдаланиб ундан тутиш, кенглиги ҳаммаси 20 метр бўлган сув ҳавзасидан арқон ёрдамида ўтиш, нотекис ва ностандарт мувозанатга эга бўлган турли сунъий тўсиқлардан ўтишни ўзида жамлаган мажмуавий машқларни 9 дақиқа-ю 20 сония вақт ичида бажариб, мусобақа рекордини янгилади.

Кейинги шартда иштирокчилардан 18 кг. юк билан белгиланган вақт оралиғида 20 километрик масофани босиб ўтиш талаб этилди. Мазкур шартда ҳар икки ҳарбий хизматчимиз ҳам рақибларидан илдам ҳаракатланиб, марра чизигини 2 соат 2 дақиқада босиб ўтиб, мусобақа

**Лейтенант Отабек НОРБОВЕВ,
Мудофаа вазирлиги Ахборот ва
оммавий коммуникациялар
департаменти,
АҚШ, Миссисипи.**

Хизмат кўрсатиш ривожланмаса, тараққиёт бўлмайди



Ҳар биримиз кундалик ҳаётда хизмат кўрсатиш соҳасига эҳтиёж сезамиз. Айниқса, тараққиёт тезлашгани сари янги хизмат турлари кўпайиб бораётгани соҳани янада ривожлантириш талабини кун тартибига қўймоқда. Бу ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий инфратузилмаси яхшиланишига, янги ва барқарор иш ўринлари очилишига, аҳолига ҳар томонлама қулай шароит яратилишида муҳим аҳамиятга эга. Шунинг учун ҳам дунёнинг ривожланган мамлакатлари иқтисодий ўсишни таъминлаш учун хизматлар соҳасини жадал ривожлантиришга катта эътибор қаратмоқда. Таҳлиллар кўрсатишича, тараққий толган давлатларда хизмат кўрсатиш ва сервис улуши ялпи ички маҳсулотнинг 70-80 фоизини ташкил этади.

Коронавирусиинг жаҳон иқтисодиётига таъсири ва унинг молиявий оқибатлари ҳақида экспертлар турли фикрларни билдиришмоқда. Тўғри, пандемия шароитида дунёнинг кўплаб давлатлари молиявий муаммоларга дуч келди, минглаб аҳоли ишсиз қолди. Бироқ, аксарият экспертлар фаол жорий қилинаётган чора-тадбирлар ва молиявий стимуллар глобал инқирознинг олдини олишини таъкидлашмоқда.

Давлатимизда камбағалликни қисқартириш бўйича олиб борилаётган ҳар бир ҳудуднинг ўзига хослигидан келиб чиқиб, хизматларни кенгайтириш, янги хизмат турларини йўлга қўйиш, илгор тажрибалар ва намунавий лойиҳаларни жорий этиш бўйича янги методология яратиш зарурлиги таъкидланди.

Бу бежизга эмас, албатта. Чунки бу соҳа кўп маблағ талаб этмайди. Унга сарфланган маблағ ёки олинган кредит қисқа муддатда қайтади. Соҳада яратиладиган аксарият иш ўринлари катта малака ва билим талаб қилмайди. Шу тариха нафақат ҳудудларнинг молиявий салоҳияти, балки аҳоли бандлигини таъминлаш имконияти янада ошади. Жой-

ларда инфратузилма ривожланса, ҳаёт янада замонавийлашади, аҳоли турмуш даражаси юксалади. Фақат имкониятдан тўғри фойдаланиш зарур.

Ҳисоб-китобларга қўра, бу йил хизматлар соҳаси учун банклар томонидан камиди 18 триллион сўм кредитлар йўналтирилади. Давлат томонидан тижорат банклари орқали қўшимча 300 миллион доллар ажратилади. Шундан 150 миллион доллари 1 июлгача жойларга етиб боради. Вилоят, туман, шаҳар ҳокимлари, сектор раҳбарлари, маҳаллага бириктирилган масъуллар билан бирга «маҳалла – туман – банк» принципи асосида лойиҳалар рўйхатини шакллантиради. Бунда, ҳар бир маҳаллада камиди 20 турдаги, туман ва шаҳарда камиди 70 та турдаги хизматлар бўлиши назарда тутилади. Энг муҳими, бу — аҳоли бандлигини таъминлаш, халқимизнинг сифатли хизматлардан фойдаланиш имконини кенгайтиришга хизмат қилади, албатта.

Қўрилиб турибдики, ишбилармонлик муҳитини қарор топтириш учун барча имкониятлар ишга солинадиган, иш бошлашга истаги ва иштиёқи бор фуқаролар кўллаб-қувватланади. Ўз мустақил ишчи йўлга қўймоқчи бўлган, аммо қўлида маблағи йўқ кишилар учун муаммо бўлмайди. Натижада ташаббуслар кўпаяди, халқимизга сифатли хизмат кўрсатиш имконияти янада ошади, ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий инфратузилмаси яхшиланади, янги ва барқарор иш ўринлари очилади, аҳолига ҳар томонлама қулай шароит яратилади. Бу — партияимиз дастурий мақсадлари билан ҳамохангдир.

ДЕПУТАТ НИМА ДЕЙДИ?
Шарофиддин Назаров,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси
депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси:
— Мамлакатимизда хизматлар соҳасининг ЯИИМдаги улуши 36,3 фоизга, соҳада банд бўлганлар сони эса 50,1 фоизга тенг. Шундан келиб чиқиб, селектор йиғилишида Президентимиз олға сурган ташаббус, таклиф ва ғоялар негизда Ўзбекистоннинг ўз олдига қўйган стратегик мақсадларга эришишига қаратилган бир қанча муҳим вазифалар турганлигини кўришимиз мумкин.

Селектор йиғилишида Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, бугунги кунда Ўзбекистон учун энг долзарб масалалардан бири бу — хизматлар ҳажминини кескин ошириш эвазига аҳолининг ишсиз қатламни банд қилиш ва уларга барқарор даромад манбаини яратиш бериш.

Айни пайтда ушбу соҳада аҳоли жон бошига кўрсатилган хизматлар ҳажми 6,4 миллион сўмини ташкил этмоқда. Бозор хизматлари таркибиде энг катта улушини савдо (25,8 фоиз), транспорт (24,6 фоиз) ва молиявий хизматлар (20,9 фоиз) эгаллайди. Ахборотлаштириш, консалтинг, таълим, соғломлаштириш, тиббиёт хизматлари эса ушбу анъанавий хизмат турларига нисбатан анча ортда қолмоқда. Бундан ташқари, хизматлар соҳасининг ривожланишида ҳудудий табақаланиш юқорилигича қолмоқда. Яъни кўрсатилган бозор хизматлари умумий ҳажмидаги энг катта улуш Тошкент шаҳри (36,9 фоиз), шунингдек, Тошкент (7,5 фоиз), Самарқанд (6,6 фоиз) ва Фарғона (6,1 фоиз) вилоятлари ҳиссасига тўғри келади. Хизмат кўрсатиш соҳасининг энг паст улуши Навоий (2,6 фоиз), Жиззах (2,3 фоиз) ва Сирдарё (1,5 фоиз) вилоятларида қайд этилмоқда. Аҳоли жон бошига хизматлар ҳажмида энг юқори кўрсаткич Тошкент шаҳрида (8 308,2 минг сўм) ва энг паст кўрсаткич Қашқадарё вилоятида (824,9 минг сўм) кузатилади.

Бундай ҳудудий табақаланиш нафақат мавжуд камчиликларни кўрсатади, айни чоғда мамлакатимиз ҳудудларида хизматлар соҳасини ривожлантиришда жуда катта имкониятлар мавжудлигидан дарак беради.

Давлатимиз раҳбари белгилаб берган вазифаларнинг жойлардаги ижроси хизматлар соҳасини ривожлантиришда концептуал жиҳатдан мутлақо янги тизимни жорий этиш имконини беради. Ушбу тизим, энг аввало, иқтисодиётда эркинлигини ҳис қилган тадбиркорлар учун хизматлар соҳасига ўз капиталини тикишга қаратилган позитив «сигналларни» бера бошлади. Бу ўз навбатида, жойларда янги ташаббус ва лойиҳаларни амалга оширишга туртки беради. Ижобий натижалар эса узок куттирмади, чунки соҳанинг хусусияти шундай — киритилган сармоя тез самара беради.

Лазиза ШЕРОВА,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

СИЁСИЙ ЎҚУВЛАР

6184 НАФАР ТИНГЛОВЧИ

САЙЛОВГА ОИД БИЛИМИНИ
ОШИРМОҚДА

Сайловлар ҳар бир жамият ҳамда давлат учун муҳим сиёсий жараён ҳисобланади. Чунки унда халқ ўз иродасини ифода этади. Фуқаролар танлови эса ўзларининг ҳамда мамлакат тараққиётига хизмат қилувчи аҳамиятга эга бўлиши лозим. Тўғри танловга эришишда ҳамюртларимизнинг сиёсий ва ҳуқуқий билиминини ошириб бориш талаб этилади. Бунда эса депутатлар, сиёсий партиялар вакиллари ҳамда ОАВ-ларнинг ўрни катта. Шундан келиб чиқиб, республикада ушбу йўналишда фаолият юритувчи шахслар учун сиёсий ўқувлар ташкил этилмоқда. Ўқув курслари жами 6184 нафар тингловчи учун ташкил этилиши режалаштирилган.

Уларни ўтказиш эса жорий йилнинг март-май ойларида амалга оширилади. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясида маҳаллий Кенгашларнинг депутатлари, сиёсий партия фаоллари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари учун ташкил этилган сиёсий ўқуларда иштирок этган тингловчиларнинг фикри билан қизиқдик.

Муҳаммад РАҲМАТУЛЛАЕВА,
халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашидаги Ўзбекистон ХДП гуруҳи аъзоси:
— Бу ўқувлар орқали сиёсат нима, деган саволга аниқ жавоб олдик. Сайловларнинг аҳамияти, уларни ўтказиш тартиби, қонунчиликдаги ўзгаришлар ҳақида билимларимизни янада мустаҳкамлашга эришдик. Хусусан, Президент Мурожаатномаси ҳамда Ҳаракатлар стратегияси асосида мамлакатда амалга оширилган ва олиб борилаётган ислохотларнинг мазмун-моҳияти мавзусида дарслар бўлди.

Айтиш керакки, сайлов қонунчилигидаги ўзгаришлар халқроқ ҳуқуқ нормаларига ҳар томонлама мослиги билан аҳамиятлидир. Уни амалиётга тўғри татбиқ этиш қийиндан билим ва малака талаб этади. Мазкур йўналишдаги дарсларда биз, тингловчилар ўзимизни қизиқтирган саволларга жавоб олдик. Лидерлик қобилиятини шакллантириш, имиж яратиш билан боғлиқ қўнимчаларимиз ошди. Эътиборлиси, бу каби ўқув-машғулотларнинг ўтказилиши маънавий дунёқарашимизни ошириб, сиёсий ҳаётдаги ўрнимиз ва мавқеимизни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Санталат МУҲИТИДНОВА,
Ўзбекистон ХДП Учтепа туман кенгаши раиси:
— Ўқувнинг энг асосий жиҳати долзарб мавзулар юқори савияда олиб бориладигани, деб биламан. Айни пайтда нафақат сиёсий, балки маънавий-маърифий билимларимизни ҳам оширишга хизмат қилди. Муҳими, дарслар қанчалик мураккаб бўлмасин, профессорлар уларни ҳаётини мисоллар билан боғлаган ҳолда, чуқурроқ тушунириб беришга ҳаракат қилди. Шу жиҳатдан улар қизиқари ва мулоқотга бой тарзда ўтди. Турли далиллар, халқроқ тажриба билан боғланган ҳолдаги маърузалар аудиторияни қизиқтиради олди.

Сайловларни ўтказиш жараёнлари, босқичлари ва турлари ҳақида янада кенг тушунарча эга бўлдик. Олдинда бизни муҳим сиёсий жараён кутмоқда. Унда фаол иштирок этиш, асосийси, ҳамюртларимизнинг бу борадаги дахлдорлигини ошириш билан боғлиқ ўзимиз учун аниқ режалар тузиб олдик. Ўйлаيمانки, фуқароларнинг сайловга оид саволларига жавоб беришда олган билимларимиз асқотди. Бундай малака ошириш курсларини ҳар уч ойда ўтказилиши тарафдориман. Ана шунда ҳар бир партия ҳодими сайлов жараёнларида пухта тайёргарлик билан кириб бориши ва юқори натижа олиши кафолати ортади, деб ўйламан.

Шунингдек, тингловчиларга ислохотларнинг мазмун-моҳияти, сайлов қонунчилигининг аҳамияти кенг тушунирилмоқда. Сиёсий партияларнинг дастурий мақсад ва вазифалари ҳамда сайлов жараёнларини ёритишнинг ўзига ҳоз хусусиятлари замонавий педагогик ва интерфаол усулларида етказилмоқда. Машғулотлар давомида жойлардаги турли муаммолар ва уларни ҳал этишда сиёсий партия фаолияти таъсирчанлигини ошириш билан боғлиқ масалаларда ҳам маърузалар бўлиб ўтмоқда. Бунда сиёсий партия вакилларининг фаоллиги, уларда лидерлик қўнимчаларининг аҳамиятига эътибор қаратилмоқда. Мазкур йўналишларда қўтилган натижага эришиш учун сиёсий маданият ва этикага амал қилиш қоидаларига алоҳида ургу берилмоқда. Time management, яъни вақтдан самарали фойдаланиш ва уни бошқариш технологияларидан самарали фойдаланиш бўйича қўнимчалар бойитилмоқда. Event management — корпоратив ва оммавий тадбирларни ташкил этиш соҳасидаги билимлар шакллантириляпти.

Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

МУРОЖААТНОМА

Эҳтиёжманд аҳоли бандлигини таъминлашга Бандликка кўмаклашиш ҳамда Жамоат ишлари жамғармаларидан 500 миллиард сўм йўналтирилади.

ЎЗБЕКИСТОН ҚАҲРАМОНИ ҲАСАН НОРМУРОДОВ



Ўзбекистон халқи оғир жудопикка учради.

Атоқли давлат ва жамоат арбоби, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзоси, "Нуроний" жамғармасининг Самарқанд вилояти бўлими раиси, Ўзбекистон Қаҳрамони Ҳасан Норбекович Нормуродов шу йил 24 апрел кун 82 ёшида вафот этди.

Ҳасан Нормуродов 1939 йил 16 ноябрь кун Самарқанд вилояти Каттақўрғон туманида туғилди. Урта мактабни тугатиб, Каттақўрғон педагогика билим юрти ва Самарқанд давлат университетида тахсил олди.

Хизмат фаолиятини ўрта таълим мактабининг она тили ва адабиёти фани ўқитувчиси лавозимида бошлаб, кўп йиллар давомида Самарқанд вилоятининг турли шаҳар ва туманларида ишлади.

Жумладан, Каттақўрғон шаҳри, Жомбой, Нарпай туманларида раҳбарлик лавозимларида, Самарқанд вилояти партия кўмитасининг котиби сифатида самарали фаолият кўрсатди.

1988-1995 йилларда Самарқанд вилояти Халқ таълими бошқармаси бошлиғи, 1995-2003 йилларда Халқ таълими ва фан ходимлари касаба уюшмасининг Самарқанд вилоят кенгаши раиси бўлиб ишлади.

2003 йилдан "Нуроний" жамғармасининг Самарқанд вилояти бўлими раиси, 2020 йилдан Самарқанд вилояти маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бошқармаси бошлиғининг ўринбосари вазифасида фидокорона меҳнат қилди.

Ҳасан Норбекович Нормуродов 60 йилдан зиёд меҳнат фаолияти давомида ўзининг улкан раҳбарлик салоҳияти, бой билим ва тажрибаси, барчага ибрат бўладиган маънавий қазиларини билан жонажон Ватанимизга чексиз муҳаббат ва садоқати билан халқи равишида кўпмиллатли халқимизнинг қалбидан чуқур жой олган улуг инсон эди.

Унинг бевосита раҳбарлигида Самарқанд вилоятининг турли ҳудудларини иқтисодий-ижтимоий ривожлантириш ва ободонлаштириш, аҳолининг турмуш даражасини яхшилаш, таълим-тарбия тизимининг самардорлигини ошириш бўйича улкан ишлар амалга оширилди.

Ҳасан Норбекович Нормуродов ҳақиқий халқ оқсоқоли сифатида ҳамisha эл-юртнинг дарду ташвишлари билан яшади. Айниқса, кекса авлод вакиллари, хотин-қизларимизнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, улар учун муносиб шароит яратиш, азиз ёшларимизни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш, уларнинг келажagini таъминлаш йўлида қанчакам фидойилик кўрсатиб, сидқидилдан хизмат қилди.

У Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзоси сифатида мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, мамлакатимизда парламентаризм тизимини ривожлантириш, ижтимоий-иқтисодий тараққиётимиз учун зарур бўлган муҳим қонунларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишга катта ҳисса қўшди.

Ҳасан Норбекович Нормуродовнинг давлатимиз ва халқимиз олдидаги улкан хизматлари муносиб тақдирланди. У "Дўстлик", "Меҳнат шухрати", "Эл-юрт ҳурмати" орденлари, "Ўзбекистон Қаҳрамони" деган юксак унвон билан мукофотланган эди.

Халқимизнинг улуг фарзанди, атоқли давлат ва жамоат арбоби, самий ва фидойи инсон Ҳасан Норбекович Нормуродовнинг ёрқин хотираси қалбларимизда ҳамisha сақланиб қолади.

Ш.МИРЗИЁЕВ, Т.НОРБЕКОВА, Н.ИСМОИЛОВ,
А.АРИПОВ, Э.ТУРДИМОВ, С.ТУРДИЕВ

ТАЪЛИМ ВА ТАРБИЯ – “ҲАЛОЛЛИК ВАКЦИНАСИ” КАФОЛАТИ!



Хусан АБДУНИЗОВ,
Ўзбекистон ХДПдан Жиззах вилоят
кенгаши депутати, "Юксалиш"
умуммиллий ҳаракати вилоят
ҳудудий бўлими раҳбари:

— Таълим ва тарбия жамият ва давлат ҳаётининг барча жаҳазлари ривожига бирдек таъсирини ўтказди. Оила ва таълим муассасасида эгалланган бу икки хислат инсонни барча қинғир ишлардан, хусусан, коррупция деб аталмиш иллатдан узоқроқ сақлайди. Том маънода таълим ва тарбия – "ҳалоллик вакцинаси" кафолати!

Ҳозирда дунёнинг деярли барча мамлакатларида коррупция ҳолатлари учрайди. Аммо қайсидир давлатда бу жиноят даражаси паст, бошқасида эса аҳолининг асосий қатлами мазкур иллатдан муттасил азият чекади. Яна шуниси аниқки, қаерда коррупцияга қарши самарали курашилаётган бўлса, ўша жойда тараққиёт, ижтимоий адолат ва фаровонлик таъминланмоқда. Албатта, буларга илгга бўлган эътибор, таълим сифатининг юқорилиги билан эришилган.

Шу ўринда соҳалар кесимидаги коррупцияга тўхталасан.

Таълимдаги коррупция тўғрисида ҳақиқатларни аниқ айтиш билан "мутахассис"лар қўлига ўтади. Бу иллатнинг мудофеа тизимида томирлаши мамлакат қудратини заифлаштиради, иқтисодиётдаги коррупция қашшоқлашувга олиб келади. Бугун мактабга таълим тизимидан тортиб олий таълим ва ундан кейинги таълим тизимида ҳам коррупция ҳолатлар учраётганини биз билиб, сиз сезмай қолаётганингиз йўқ. Мазкур жиноят соғлиқни сақлаш тизимида кузатилса, мажруҳлик ёки бевақт ўлимлар ортади.

Сивасатшунлар таъкидига кўра, давлат хизмати ходимларининг ўз

маошидан қониқмаслиги, уларга ташкилотлар ва фуқаролар фаолиятига таъсир кўрсатувчи катта ваколатларнинг берилиши коррупцияни кучайтиради. Худди шундай давлат идоралари ишидаги ёпиқлик даражасининг кучлилиги, ўта "бесўнақай ҳисоботлар" тизими, қонун ижодкорлиги тизимининг очик ва ошқора эмаслиги, давлатнинг кадрлар билан ишлаш сиёсатидаги камчиликлар коррупцияни авж олдиради.

Жамиятдаги маданий тубанлашув, фуқароларнинг ҳабардорлик ва уюшқоқлик даражасининг пастлиги, ҳокимият тепасидагиларнинг ўзбошимчилигига нисбатан жамоатчиликнинг нофаоллиги ҳам бу жиноят омилларидир. Аммо коррупциянинг энг асосий сабаби мазкур ижтимоий иллатни тийиб турадиган ички ва ташқи сиёсий институтларнинг мукамал эмаслиги ҳисобланади. Икки хил талқин қилинадиган қонунларнинг мавжудлиги, аҳолининг қонунларни билмаслиги ёки тушунмаслиги, мамлакатда сиёсий вазиятнинг беқарорлиги коррупцияга йўл очади.

Ҳокимиятлар ўртасида ўзаро алоқа механизмларининг йўқлиги, бюрократиянинг ҳукмрон элита сиёсати билан уйғунлашуви, касбий нокомпетентлик, коррупция устидан назорат механизмларини сўсайтирадиган пинҳона келишувлар шаклланишига олиб келадиган уруғ-аймоқчилик ва сиёсий ҳимойлик коррупцияни кучайтиради. Бундан ташқари, давлат секториде ишловчиларнинг иш ҳақи хусусий секторда ишловчиларникидан пастлиги, иқтисодиётнинг давлат томонидан тартибга солиниши, фуқароларнинг давлатга қарамлиги, муайян хизматларга нисбатан давлат монополияси, бюрократик элитанинг халқдан ажралганлиги, иқтисодий беқарорлик, инфляция, иқтисодий ривожланиш даражасининг пастлиги коррупцияни келтириб чиқаради.

Ушбу жиноят ижтимоий ҳодиса сифатида сиёсий ва иқтисодий мазмун касб этади. Сиёсий коррупция сайловчиларнинг овозини, мансаб ва лавозимларини сотиб олиш кўринишида намоён бўлади. Бу эса давлат қарорлари, стратегиялари ва ҳаракатларининг мақсадлари ва воситаларини танлашда амалдорлар ўзбошимчилигининг қонунийлаштирилишига олиб келади. Оқибатда давлат қарорлари сифати пастайиб, сиёсатда популизм устуллик қила бошлайди.

Субъектлар мақомига кўра коррупция ҳокимият органларидаги ҳамда хусусий сектордаги коррупцияларга бўлинади. Ҳокимият органларидаги коррупция икромия, вакиллик ва суд органларини қамраб олади. Унинг замирида ҳокимият, шунингдек, нодавлат сектор ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш даражасидаги таъмағирлик ётади. Хусусий секторга кўра, коррупция давлат харидлари, ер участкалари билан ўтказиладиган операциялар, солиқларни йиғиш, давлат ҳокимияти органларида масъул лавозимларга тайинлаш, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари соҳаларида кўп тарқалади.

Натижада сиёсий элита ва унинг тевағарига жамланганлар бойиб бораверади. Халқнинг эса турмуш даражаси пастайиб, эртанги кунга ишончи сусаяди, норозилик ортади.

Биздан 1200 йил аввал яшаган қомусий олим Абу Наср Форобий "Фозил одамлар шаҳри" асарига "Фуқаролар жамиятини қуришда тўғаноқ бўладиган муаммолардан бири коррупциядир, дея таъкидлаган эди.

Албатта, мамлакатимизда бу иллатга қарши кескин курашиш чоралари қўйилмоқда. 2020 йил 29 июнда Президентимизнинг "Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонида мувофиқ ташкил этилган Коррупцияга қарши курашиш агентлиги бу борада давлат сиёсатини шакллантириш ва амалга ошириш билан бирга, ана шу кўрсаткични яхшилаш устида ишлаб келмоқда.

Тадқиқотлар бирор-бир муаммага барҳам беришда энг самарали восита унинг ўзи билан эмас, балки сабаби билан курашиш эканини кўрсатади. Шу боис ҳам коррупцияга қарши курашиш иллатига асосий эътиборни қаратмоқ лозим. Энг аввало, коррупцияга қарши курашиш борасида оилада, боғчада, мактабда ўғил-қизларимиз онига, руҳиятига тамағирлик, порахўрлик ёмон иллатига эмас, балки у жамиятимиз таназзули, иқтисодиётимиз орқага кетиши сабаби эканлиги ҳақида кўпроқ тарбияниш ва тарбият ишларини олиб бормоғимиз лозим.

Хуллас, таълим ва тарбиянинг пухталиги келажақда ҳар қандай иллатга қарши курашишда "ҳалоллик вакцинаси" бўлиб хизмат қилади!

МУНОСАБАТ

Энг чекка ҳудудларда ҳам боғчалар қурилади



Мавжуда ҲАСАНОВА,

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати,
ЎЗХДП фракцияси аъзоси:

— Мамлакатимизда 2018-2019 йилларда нодавлат мактабга таълим ташкилотларини ташкил этиш учун 1412 та давлат-хусусий шериклик тўғрисида битим имзоланиб, улардан 1097 таси бўйича имтиёзли кредит ажратилган. 74 таси бўйича битимлар бекор қилинган, 241 таси бўйича молиявий манбалар мавжуд бўлмаганлиги сабабли кредитлар ажратилмаган. Бу рақамлар Давлатимиз раҳбарининг яқинда қабул қилинган "Мактабга таълим соҳасида давлат-хусусий шерикликни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори келтириб ўтилган. Мазкур ҳужжат давлат-хусусий шериклик шаклидаги нодавлат мактабга таълим ташкилотларини ташкил этиш ишларини жонлантириш, соҳага хусусий секторни кенроқ жалб этиш орқали мактабга таълим қамровини оширишга хизмат қилади.

Ўрни келганда таъкидлаб ўтиш керак, юртимизда ёшларга эътибор, мактабга таълими боғчалар қамровини ошириш давлат сиёсати даражасида кўтарилганини алоҳида таъкидлаш жоиз. "Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили" Давлат дастурида ҳам ушбу йўналишда кенг кўламли чора-тадбирларни амалга ошириш белгилан берилди. Жумладан, мактабга таълим тизими билан 560 минг нафар 6 ёшли болаларни ёки уларнинг 82 фоизини қамраб олиш, болаларнинг илк ривожланишига хизмат қиладиган мактабга таълимнинг мақбул шакллари янада кенгайтириш, мактабга таълим тизимида хусусий сектор маблағларини кўпроқ жалб қилиш ва бюджетдан субсидия бериш ҳисобида нодавлат мактабга таълим ташкилотларини ташкил этиш ва нодавлат мактабга таълим ташкилотларига қамраб олинган болалар улусини 25 фоизга етказиш кўзда тутилган.

Бундан ташқари, дастурда республикаимизнинг барча ҳудудларида давлат-хусусий шериклик шартлари асосида 40 та нодавлат мактабга таълим ташкилоти қуриш, олиш ва аҳоли тарқоқ жойлашган ҳудудларда 2000 та оилавий мактабга таълим ташкилотини ташкил этиш, нодавлат мактабга таълим ташкилотлари тармоғини ривожлантириш орқали 54000 минг қўшимча қувват ҳамда 4400 янги иш ўрни яратиш назарда тутилган.

Шунингдек, бугунги кунга молиялаштирилмасдан қолган 241 та давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимга кредит маблағларини босқичма-босқич ажратиш, қурилиш режалаштирилаётган боғчаларни молиялаштириш учун уларни тоғалаб маблағ бериш чоралари қўйилмоқда. Жумладан, боғчаларда қурилиш ишлари бошланган битимлар бўйича – Саудия тараққиёт жамғармасидан жалб этилаётган 10,9 миллион АҚШ доллари ҳамда тижорат банклари, қурилиш ишлари бошланмаган битимлар бўйича жорий йилнинг 2 ярмида ушбу мақсадлар учун жалб қилинадиган умумий қиймати 70 миллион АҚШ доллари миқдоридеги ташқи қарз маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Қарорда 241 та давлат хусусий шериклик тўғрисидаги битимни молиялаштириш учун кредитлар 7 йил муддатга 2 йиллик имтиёзли давр билан берилиши белгилан берилган. Ушбу маблағлар ҳисобидан амалга оширилмаган янги лойиҳаларни ҳар бир ҳудуддаги мавжуд мактабга таълим ташкилотлари, мактабга таълим ёшдаги болалар сони ҳамда уларнинг қамрови даражасини таҳлил қилиш ҳолда одиллик ва шаффофлик тамойиллари асосида танлаш ва уларни амалга ошириш бўйича битимлар имзолаш вазифаси қўйилган.

Биз, депутатлар ҳар ойнинг охирида ўз округларимизга борганимизда, ҳудудларда битим имзоланган, лекин маблағи ҳал бўлмаётган давлат-хусусий шериклик асосида қурилиш қилаётган тадбиркорлар томонидан муаммолар кўтарилади. Бу борада вазирликларга депутатлик сўрови ва хатлар билан мурожаатлар ҳам қилганмиз ва ўтган йили 2 та шундай мурожаатимиз ижобий ҳал этилди.

Давлат раҳбари ушбу соҳага алоҳида эътибор қаратаётгани бежиз эмас. Чунки бола кичик ёшидан таълим ва тарбияни дидактик ўйинлар орқали олса, унинг онгига умрбоқ муҳрланади. "Ёшлиқда олган билим, тошга ўйилган нақш", деб болаларимиз бежизга айтишмаган. Узоқ йиллар бошланғич синф ўқувчиларига чекка бир ҳудудда тахсил берган ўқитувчи сифатида айтмоқчимизки, боғчага борган бола билан боғчага бормоган бола ўртасида осмон билан ерча фарқ бор. Чунки, бу даврда бола ўйнароққ бўлади. Боғчага борган бола ўғирчи, диққат қилишни, санашни, шеръ ва эрталар айтиб беришни билади. Бу эса бошланғич синф ўқитувчиларига дарс ўтишни анча осонлаштиради.

Ҳудудларда мактабга таълим ташкилотлари директорлари билан гаплашганимизда, улар ўзаро ҳамкорлиқни кучайтириш зарурлигини билдиришди. Яқинда округга борганимизда чекка ҳудудларда ҳам ўй боғчалари очилиб, 25-30 нафар болани қамраб олганлигининг гувоҳи бўлдим. Айниқса, мактабга таълим йўналишида олий маълумотли бўлиб, қишлоқларда бола йўқлиги учун ишсиз ўтирган қизларимиз, келинларимиз хурсандчилигининг чеки йўқ.

Тизимда амалга оширилаётган ишларни янада шаффоф бўлиши, маблағларнинг адолатли ишлатилиши устидан жамоатчилик назоратини кучайтиришимиз зарур. Жойлардаги маҳаллий Кенгаш депутатлари билан биргаликда бу ишларни тизимли олиб бориш зарур. Бу билан мамлакат, миллат келажаги учун ажратилаётган маблағларнинг ҳар бир тийини мақсадли сарфланишига эришишимиз лозим.

“ЁШЛАР БИЛАН ҲАМФИКР, ҲАМҚАДАММИЗ!”

Маълумки, шу йилнинг 13 апрел кун 13 давлатимиз раҳбари раислигида ёшлар бандлигини таъминлаш ва бўш вақтини мазмунли ташкил этиш борасида белгиланган вазифалар икроси юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилган эди. Унда мамлакатимиз бўйича 648 минг нафар ишсиз "Ёшлар дафтери"га киритилган бўлса, биринчи чоракда шундан 283 мингнинг бандлиги таъминлангани алоҳида қайд этилди. Лекин ишсиз ёшларни касб ва тадбиркорликка ўқитиш, маблағ билан таъминлашда ҳам камчиликларга йўл қўйилаётганига алоҳида ургу берилди. Галдаги вазифалар икросини ташкил этиш, ишлар билан ишлайдиган муассасаларга имкониятларни кенгайтириш чора-тадбирлари белгиланди.

Шундан келиб чиқиб, Халқ демократик партияси тизимида ёшлар билан ишлаш бўйича қатор амалий ва фаол ҳаракат йўлга қўйилди. Хусусан, "Ёшларга кўмак" лойиҳаси доирасида партия фаоллари, депутатлардан иборат ишчи гуруҳи ҳудудларга кириб бориб, йигит-қизлар билан юзма-юз, очик мулоқотлар олиб боришмоқда. Ўз навбатида, ҳал экинги муаммолари ўрганиляпти, ва улар этиш бўйича тезкор чоралар қўйилмоқда. Шунингдек, ёшлар бандлигини таъминлаш масаласига алоҳида эътибор қаратиляпти.

Келинг, яхшиши, фикримизни лойиҳа доирасида ўтказилган ана шундай тадбирлар ва уларнинг натижаси орқали ифода этамиз.

ЎЗХДП ВАКИЛЛАРИ ОЛМАЛИК ШАХРИДАГИ "UZTEX GROUP" МЧЖ КОРХОНАСИДА

Ўзбекистон ХДП Тошкент вилояти ва Олмалик шаҳар кенгашлари ҳамкорлигида "Ёшларга кўмак" лойиҳаси доирасида Олмалик шаҳридаги "Uztex Group" МЧЖ корхонасида "Ёшлар бандлигини таъминлаш" мавзусида амалий тадбир бўлиб ўтди.

Тадбирга тақлиф этилган Олмалик шаҳрида яшовчи, ишлаш истагида бўлган 20 нафардан ортиқ ёшлар корхонадаги иш жараёнлари, ходимларга яратилган шароитлар билан яқиндан танишишди. Улардан 8 нафарига "Uztex Group" корхонаси фаолияти маълум келди ва ишлаш истагини билдирган йигит-қизлар учун ишга қабул қилиш бўйича ҳужжатлар расмийлаштирилди. Тадбирнинг иккинчи қисмида халқ де-



путатлари Олмалик шаҳар Кенгашидаги ЎЗХДП депутатлик гуруҳининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда партиянинг Тошкент вилояти Кенгаши раиси Акмал Умаралиев сўзга чиқди.

Депутатлар Президентимизнинг "Томорқа ер эгаларини қўллаб-қувватлаш ва аҳоли бандлигини таъминлаш бўлимида қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорининг Олмалик шаҳридаги икросини муҳокама қилишди.

Лойиҳа доирасида йиғилиш иштирокчилари "Саховат" МФЙда яшовчи Умида Муродованинг оиласидан хабар олишди. Оиланинг 5 ёшли қизи Мубинахон депутат Фарҳодбек Умаров ҳомийлиги ёрдамида жарроҳлик амалиётини ўтказган эди. Ҳозирда у ўзини анча яхши ҳис этмоқда. Хонадон соҳибаси фарзандининг соғлиғи тикланишида ёрдам берган барча инсонларга миннатдорчилик билдирди.

“ЁШЛАРГА КЎМАК” ЛОЙИҲАСИ ФАРҒОНА ВИЛОЯТИДА

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎЗХДП фракцияси аъзоси Анвархон Темиров, партия Марказий Кенгаши ҳамда вилоят партия кенгаши масъул ходимлари "Хуррамобод", "Қайроғоч" МФЙ ҳудудларидаги ногиронлиги бўлган, ижтимоий ҳимояга муҳтож хонадонларга боришди, уларнинг турмуш шароитини ўрганишди. Шунингдек, "Қайроғоч" МФЙдаги "Ёшлар дафтери"га

киритилган ёшларга ажратиб берилаётган ерлардан фойдаланиш ҳолати ўрганиб чиқилиб, ишлаётган ёшлар билан учрашув ўтказилди.

Шундан сўнг вилоятнинг Риштон туманидаги Қўқон давлат педагогика институтини филиалида "Депутат ва ёшлар учрашуви" ташкил этилди. Учрашув очик мулоқот тарзида ўтказилиб, ёшларни қизиқтирган саволларга депутатлар жавоб беришди.

Учрашувда, шунингдек, Хўнармандлар шаҳарчасидаги мохир хўнармандлар томонидан уста-шогирдлик анъаналари асосида ўнлаб ёшлар касб-хўнар ўрганиш истагини билдиришди. Вақтинча ишсиз ёшлар ва хотин-қизлар бандлигини таъминлаш, уларни талаб юқори бўлган касблар ва тадбиркорликка ўқитиш, шу асосда бизнесини йўлга қўйишда молиявий қўллаб-қувватлаш тартибини жорий этиш масаласи кўтарилди.

Тадбирдан кейин "Мискин" маҳалласида яшовчи 1-гуруҳ ногиронлиги бўлган шахс Кенжахон Элибегиров хонадондан хабар олди. Мурожаат асосида унга ногиронлик аравачаси берилди.

Ишчи гуруҳ ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш бўйича ҳудуддаги "Баркамол авлод" тўғарақ мактаблари фаолиятини ҳам ўрганишди ҳамда уларнинг мурожаат ва тақлифлари тингланди.

Ўз мухбиримиз

Аҳоли билан учрашув

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Навоий шаҳар кенгаши ташаббуси билан "Баҳор" маҳалла фуқаролар йиғинида учрашув ташкил этилди.

Маълумот учун айтиш жоизки, маҳаллада 1532 та оилада 4674 нафар аҳоли истиқомат қилади. Шундан 2317 нафари хотин-қиз, 1876 нафари ёшлардир. Аҳолининг 25 нафари "Аёллар дафтери", 101 нафари "Ёшлар дафтери"га киритилган.

Тадбирда халқ депутатлари Навоий шаҳар Кенгаши депутати Насиба Ашурова, партия ходимлари хонадон-ма-хонадон юриб, фуқароларни қийнаётган муаммолар ўрганилди. Хусусан, Нурафшон кўчаси, 14-уй, 2-хонада истиқомат қилаётган Шухратжон Сайдуллаева бир неча йилдан буён ишсизлиги сабабли рўзгорини тебратишга қийналиб келмоқда. Депутат томонидан фуқарога Навоий давлат қончиллик институти ободонлаштириш ишларига ишчи вазифаси тақдир этилди. Шухрат бу иш қўлидан келишини таъкидлаб, рози бўлди.

45-хонадонда истиқомат қилаётган Найма Халипова 2 нафар фарзандини елғиз ўзи вояга етказмоқда. Ола турмуш ўртоғи вафот этган, ишга кириш мақсадида тиббиёт коллежиде тахсил олади. Аммо у иш тополмай қийналиб юрганни айтди.

27-хонадонда истиқомат қилаётган Муниса Облоқулова турмуши бузилган, онаси билан бирга истиқомат қилиб келаётган экан.

— 2 нафар укам ва 3 нафар фарзандим билан 2 хонали уйда яшаймиз, — дейди у. — Бу бир қанча нуқулайликларга сабаб бўляпти. Бундан ташқари, иккинчи фарзандимнинг имконияти чекланган, алоҳида парварishi муҳтож. Гузаллик саломида ишлаб, уй олиш мақсадида бошланғич бадал суммасини тўлаш учун пул жамғариб бормиз. Ушбу маблағ етмайди. Ўшба давлат томонидан субсидия ажратилса, муаммомиз ҳал бўларди. Бу бўйича тегишли ташкилотларга депутатлик сўрови жўнатилиши таъкидланди.

Учрашув давомида фуқароларга Президентимиз томонидан мамлакатимизда олиб берилаётган ишхотларнинг мазмун-моҳияти ҳақида тушунчалар берилди. Шунингдек, профилактика инспектори Т.Холмуродов билан жамоат тартибини сақлаш, жиноятчиликни олдини олиш бўйича қилинаётган ишлар бўйича суҳбатлашди.

"Аёллар дафтери" ва "Ёшлар дафтери"га киритилган хотин-қизлар ва ёшларга депутат томонидан озиқ-овқат махсулотлари тарқатилди.

Хурида НАРЗИЕВА,

ЎЗХДП Навоий вилоят кенгаши сектор мудири.

МУРОЖААТНОМА

Маҳалла раиси ва унинг ўринбосарлари ваколатларини кенгайтириб, уларга аҳоли муаммоларини бевосита ҳал қилиш имконини яратишимиз керак.

МАТБУОТ АНЖУМАНИ

НЕГА АЙРИМ АВТОМОБИЛЬ ЙЎЛЛАРИ

ХАТТО 1-2 ЙИЛГА ҲАМ ЧИДАБ БЕРА ОЛМАЯПТИ, КЎП ЎТМАЙ АБГОР ҚОЛГА ТУШИБ ҚОЛАЯПТИ?

Миллий матбуот марказида Автомобиль йўллари қўмитаси томонидан "2021 йилда йўл қурилиши ва таъмири соҳасида амалга оширилаётган лойиҳалар ҳамда уларнинг сифат назорати" мавзусида анжуман ўтказилди.

Тадбирда автомобиль йўллари соҳасида олиб борилаётган ишлар, автомобиль йўллари тармоқларини ривожлантириш ва тақомиллаштириш истиқболлари борасида маълумот берилди. Шу билан бирга, жорий йил Инвестиция дастурига асосан 2735,8 километрлик умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларида ҳамда "Обод қишлоқ", "Обод маҳалла" ва бошқа дастурларга асосан 10 114,5 километр ички йўлларда, шаҳар кўчаларида қуриш, қайта қуриш ишлари жадаллик билан амалга оширилаётганлиги, шунингдек, "маҳаллабай" юриб, таъмирланишга муҳтож, зарур йўллар аниқланиб, рўйхатга киритилаётганлиги тўғрисида айтиб ўтилди.

Бугунги кунда мамлакатимизда энг сўнгги технология ютуқларни ўзида мужассам этган муҳташам кўприклар, кенг ва равои магистрал йўллар, ер ости ва ер усти йўлларини қуриш кўлами ва сифати йилдан-йилга ортиб бормоқда. Узунлиги 209,5 минг километрдан зиёд автомобиль йўллари тармоғининг 42,869 километри умумий фойдаланишдаги, 141,883 километри ички ҳўжалиқлараро, қишлоқ, шаҳар ва овуллар автомобиль йўллари, 24,745 километри эса идоравий инспекторлик йўллари тармоғи ҳисобланади. Уларнинг 9 фоизи халқаро, 33 фоизи давлат ҳамда 58 фоизи маҳаллий аҳамиятдаги йўллардир.

— 2021 йилнинг I чорағи давомида умумфойдаланувдаги 335 километр автомобиль йўлларида қуриш, қайта қуриш, таъмирлаш ва сақлаш ишлари бажарилди, — дейди **Автомобиль йўллари қўмитаси бошқарма бошлиғи Отаназар Жуманиёзов**. — Минтақавий автомобиль йўллари ҳолатини зарур даражага келтириш орқали йўл-транспорт инфратузилмасини янада тақомиллаштириш, айниқса, қишлоқ жойларда қулай шарт-шароитлар яратиш бўйича ҳам сезиларли ишлар қилинди. Хусусан, биринчи чорак мобайнида "Обод қишлоқ", "Обод маҳалла" ва бошқа дастурлар асосида 3 578,3 километрдан ортиқ ички йўллар таъмирланди. Бундан ташқари, автомобиль йўллари соҳасидаги норматив ҳужжатларни тақомиллаштириш бўйича ҳам 25 та ҳужжатга тегишли ўзгартiriшлар киритиш тақлифи ишлаб чиқилди. Шу билан бирга жорий йил давомида 2735,8 километр умумфойдаланувдаги автомобиль йўлларида қуриш, қайта қуриш, таъмирлаш ва сақлаш ишлари бажарилиши режалаштирилган.

— "Ўйўлиниспекция" томонидан жорий йил бошидан буён 1140 та йўл қурилиш объектлари ва йўл-қурилиш материаллари ишлаб чиқариш корхоналарида назорат ишлари ўтказилиши натижада 1848 та қоида бузилиш ҳолатлари аниқланиб, уларни бартараф этиш бўйича буюртмачи, пудратчи, лойиҳачи, йўлларни сақловчи ва бошқа ташиқлотларнинг масъул ходимларига 1150 та бажарилиши мажбурий бўлган қўрсатмалар берилди, — дейди **Транспорт вазирлиғи ҳузуридаги йўл-қурилиш ишлари сифатини назорат қилиш инспекцияси бошлиғининг биринчи ўринбосари Темур Темурбоев**. — Йўл-қурилиш объектларида ва



йўл-қурилиш материаллари ишлаб чиқаришда қўпол қоидабузилишларга йўл қўйган шахсларга нисбатан чоралар қўллаш бўйича 31 та маъмурий баённома расмийлаштирилиб, суд органларига юборилган. 26 та ҳолат бўйича 2 миллиард 168,77 миллион сўмлик сифатсиз бажарилган қурилиш-монтаж ишлари ҳажмини тўловдан чиқариш бўйича буюртмачиларга талабномалар ҳам киритилган. 9 та ҳолат бўйича 202,22 миллион сўм миқдорида сифатсиз бажарилган ишлар бартараф этилди, қолган 17 та ҳолатдаги 1 миллиард 966,55 миллион сўмлик сифатсиз бажарилган ишларнинг ижроси давлат инспекторлари назорати остига олинган.

Тадбирда мутахассислар томонидан халқаро молия институтлари билан ҳамкорликда 7 та лойиҳа амалга оширилаётгани таъкидланди. Жумладан, Осиё тараққиёт банки иштирокида А-380 "Ғўзор-Бухоро-Нукус-Бейнеу" автомобиль йўлининг 87 ҳамда 240 километрлик қисми, А-373 "Тошкент-Ўш" автомобиль йўлининг 3 километрлик қисми, Ислон тараққиёт банки иштирокида М-39 "Тошкент-Термиз" автомобиль йўлининг 1395-1400 километр ва 1410-1426 километр масофадаги қисмлари, Осиё инфратузилма инвестициялар банки иштирокида А-380 "Ғўзор-Бухоро-Нукус-Бейнеу" автомобиль йўлининг 78 километр масофадаги қисми, Саудия тараққиёт жамғармаси ва Қувейт араб иқтисодий тараққиёт жамғармаси иштирокида 4Р-87 "Ғўзор-Чим-Қўдағал" автомобиль йўлининг 35 километрлик қисмлари реконструкция қилинаёти.

Соҳада амалга оширилаётган қатор ижобий ишларга қарамай, ҳамон йўллар муаммоси аҳолини қийнаб келаётгани бор ҳақиқат. Айниқса, маҳаллий ва ички йўлларнинг абгор ҳолати ҳар бир ҳудудда дуч келинаётган, йўллар давомида фуқароларнинг аруз доғига сабаб бўлаётган масалалардан биридир, дейиш мумкин. Ёзда чанг-тупроқ, куз-қишда лой, балчиқ йўллар пайдаларни ҳам, ҳайдовчиларни ҳам қийнаб келади. Ҳатто қўллаб маҳаллий йўлларнинг ҳолати ҳам ҳаминқадар эканлиги нафақат маҳаллий аҳоли вакиллари, балки хорижий

сайёҳлар эътирозига ҳам сабаб бўлаётгани ҳеч кимга сир эмас.

Хўш, фойдаланишга топширилган янги йўллар аслида неча йилда ўрта ёки капитал таъмирланиши керак? Нега янгидан қурилган йўл ёки капитал таъмирланган йўллар 1-2 йил ичида қайтадан таъмир-талаб аҳволга келиб қоляпти?

Қўмита масъул ходимлари Отаназар Жуманиёзов ва Маҳмуд Олимов бу ҳақда қуйидаги фикр-мулоҳазаларни билдирди:

Аслида қурилиб фойдаланишга топширилган янги йўллар ҳар 6 йилда ўрта таъмирланиши, 12 йилда капитал таъмирланиши, 16 йилда қайта реконструкция қилиниши лозим. Белгиланган меъёрларга қўра, янги йўл 16-20 йилга мўлжаллаб барпо этилади. Аммо бундай самарадорликка эришишда бирмунча камчиликлар кўзга ташланмоқда. Иқлим шароитлари, об-ҳаво, табиат инжиқликлари ҳам йўл сифатига анча салбий таъсир қилади. Очиғини айтиш лозим, республикадаги автомобиль йўлларининг кўпгина қисми бундан анча йиллар олдин қўпи билан 7 тонналик босимга мўлжалланиб қурилган автомобиль йўллари ҳисобланади. Шу боисдан бугун 30-40 тонналик юк машиналарининг серкитов бўлиши йўл ҳолатига ўз салбий таъсирини кўрсатмоқда. Шунинг учун қурилиш лойиҳасида барча салбий таъсир ва омиллар инобатга олинган ҳолда капитал таъмирлаш ишлари олиб боришмоқда.

Йўллар мамлакатнинг қон томирларидир. Шундай экан, автомобиль йўллари сифати борасида ҳали қилиниш лозим бўлган ишлар талай. Соҳада ўз ёчимини кутаётган муаммолар тегишли мутасаддилар эътиборини тортиши, масъулиятини яна бир қарра ошириши лозим.

Матбуот анжумани сўнггида журналистларни қизиқтирган қўллаб саволларга мутахассислар жавоб қайтарди.

Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ,
"Ўзбекистон овози" мухбири.



МАЪНАВИЙ ЮКСАЛИШ ОЙИ

Инсон руҳиятини ўрганган мутахассислар эътирофига, руҳий бақувватлик ҳаётнинг турли машаққатларини енгиб ўтишда, ҳатто оғир касалликларга даво топишда юксак аҳамият касб этар экан. Рамазон рўзасининг фазилатлари бисёр. Улардан муҳими руҳан покланиш, қалбдан улғайишдир.

Инсон маънавияти унинг ички оламини ифода этувчи тушунча. Одамнинг ички дунёси қалб поклиги, руҳ осойишталиги, дил мусаффолиги, виждон уйғоқлиги каби улуг фазилатлар билан бутунлик касб этади. Маънавий баркамолликка эришишда Рамазон ойи беназир аҳамиятга эга.

Рўзанинг асосий шартлари саҳардан шомгача таом ёйиш, ичимлик ичиш ва шаҳватдан тийилиш. Мазкур шартлар бажарилса, рўза тутилган бўлади. Уламолар рўза тутишда унинг асосий шартлари билан қаноатланиб қолиш қутилган мақсад-муддаони ҳосил қилмаслигини таъкидлаганлар ва бу маънога пайғамбаримиз Мухаммад алайҳиссаломнинг қуйидаги мазмундаги хадисларини далил қилиб келтирадилар: "Шундай рўзадорлар борки, уларнинг рўзадан оладиган насибаси фақат очлик ва ташналиқдир". Рўза нафақат ёйиш ва ичишдан, балки дил ва тилда содир бўладиган иллатлардан, хатти-ҳаракатларда гуноҳ ва маъсиятлардан тийилишдир. Дилдорлик, тилдорлик, ғийбат, игво, ёлгон, тухмат, бўхтон, макр-хўйла, фибриб, кибр, ғазаб, ҳасад, фитна каби иллатлардан тийилиш рўза баркамоллигига олиб боради. Аксинча бўлса, хадиси шарифда таъкидланганидек, очлик ва ташналиқдан бошқа натижа ҳосил бўлмайди.

Халқимизда "Тўқликка шўхлик" деган ибора бор. Бу бежиз эмас. Сабаби, ҳикмат олимлари қўллаб ҳатолар, янгилиш ва нуқсонлар, ҳатто гуноҳ ва маъсиятлар тўқлик пайтида содир бўлишини таъкидлаганлар. Очлик ва ташналиқ ожизлик, камтарлик, бандалик хусусиятларидандир. Инсон оч ва ташна ҳолида ўзининг Яратганга муҳтожлигини ҳис қила бошлайди. Очлик ва ташналикка тез-тез ўчрадиган камбағал ва бечораларнинг ҳолатини қалбдан сезади. Юрагиди уларга нисбатан меҳр товлана бошлайди. Бу меҳр улғайиб, нафақат муҳтожларни, балки инсониятни, ҳайвонот дунёсини, наботот ўсимликлари, жамодот — жонсиз жисмларни ҳам қамраб олади. Бу ҳолатда инсон қалбиди ҳикмат бўлоғи қайнайди. Ҳаётнинг асл моҳиятини англайди. Қалби маънолар дунёсига, завқ ва шавқ оламига фарқ бўлади. Инсонни эзгуликка бошлайдиган барча китобларнинг асосий қисми саҳар вақтида ёзилгани ҳам шундан. Саҳар вақтида тана бедор, вужудга нон-чой кирмаган, руҳ осойишталиги таъминланган онлар айнан ижод маҳалидир. Бу қўллаб олимлар, зиёлилар, ёзувчи ва шоирлар томонидан эътироф этилган ҳақиқат. Муқаддас Куръони каримнинг айнан рамазонда, ҳам диллар эриб, вужуд покланиб, қалблар маърифатга ташна бўладиган онларда нозил қилиниши бежиз эмас.

Рамазон — тарбия ойи. Айнан рўза инсон камолотига тўқсин бўладиган турли иллатлардан қутулиш имконидир. Инсоннинг ўз ихтиёри ила юзага келган очлик ва ташналиқ тананинг руҳга қарам бўлган ганимат маҳалидир. Руҳий устуниқни ҳис қилган онларда маънавий баркамоллик ҳақида тафаккур қилишимиз осонлашади, илм-маърифатга бўлган эътиборимиз ошади, қалбларимиз ҳикмат ошиғига айланади. Буюк ватандошимиз Бурҳониддин Марғинович нафақат фикр-ислом ҳуқуқи, балки дунё ҳуқуқшунослик ҳазинасининг нодир гавҳари бўлган — "Ал-Ҳидоя", яъни "Тўғри йўл" асарини 13 йил давомида муттасил рўза тутиб

ёзганлари машҳурдир. "Ҳидоя" асари сўзларининг озлиғи ва созлиғи, яъни оз сўзлар орқали кўп маъноларни қамраб олгани билан асрлар давомида олиму уламолар, фозилу фузалоларнинг назарида бўлган. Турли тилларга таржима қилинган. Нуфузли олий ўқув юрларида айни пайтда ҳам дарслик сифатида ўрганилади. Содда ифода этганда "Ҳидоя" асари рўза ҳикматиини ўзида намоён қилган ноёб асардир. Инсон қалби вужуд очлиғи ва ташналиқда ҳикмат бўлоғи билан тўлиб-тошишининг ёрқин ифодасидир.

Рамазоннинг асл мазмуни, ҳикмати ва маъноси маънавий иллатлардан, маънавий касалликлардан қутулиш учун бебаҳо фурсат эканидир. Рамазон сўзининг мазмуни ҳам араб тилидан таржима қилинганда "қаттиқ иссиқ", "қуйдирувчи иссиқ" маънолари бу ой инсоннинг гуноҳ ва нуқсонлари қуйиб кетишини англатишини олимлар қайд этганлар. Пайғамбаримиз Мухаммад алайҳиссалом бу борада: "Ким ёлгон гапиришни ва унга амал қилишни қўймас, унинг тасми ва ичимлигини тарқ қилмоғига Аллоҳнинг эҳтиёжи йўқ" дея марҳамат қилдилар. Ҳадисдаги нозик нукта шундаки, аслида Аллоҳ таъоло беҳожат зотдир. Мотуридия ақидаси бўйича Аллоҳнинг ҳеч нарсаси эҳтиёжи йўқ. Балки барча нарсаси унга муҳтождир. Рўзанинг маънавий жиҳати муҳимлиги сабаб Пайғамбар алайҳиссалом ёлгонни тарқ қилишни Аллоҳнинг эҳтиёжи, дейди. Яъни Аллоҳнинг ризоси, амри ёлгонни ва унга амал қилишни тарқ қилишдандир. Бундан Рамазон рўзасини тутишда турли маънавий иллатлардан, айниқса, ёлгончиликдан тийилиш нақадар муҳимлиги келиб чиқади.

Рўзадан мақсад ёлгончилик ва унлан келиб чиқадиган хиёнат, макр, хўйла, иккиюзламачилик, мунофиқлик, кассоблик каби жамият барқарорлигига раҳна соладиган, инсонлар орасини бузадиган, савдо-сотикни, касбукор, тижорат ва зироат маҳсулини ҳаромга айланттирадиган, ер юзида фасод ва бузғунчилик ёйилишига сабаб бўладиган иллатлардан холи бўлишдир.

Рўзадан мақсад — инсонни икки дунё саодатига етаклайдиган, инсонлар орасини ислоҳ этадиган, ҳаётга, эртанги кунга ишончни мустаҳкамлайдиган, қалбларга ором, руҳий осойишталиқни таъминлайдиган ростгўйлик, садоқат, вафодорлик, омонатдорлик, ҳалоллик каби фазилатларни камолга етказишдир. Агар ёлгон ва унинг турли қўрилишлари, ёлгондан келиб чиқадиган иллатлар тарқ қилинмас экан очлик ва ташналиқдан фойда йўқ.

Рамазон — инсонни маънавий юксалишга эришиши учун йилда бир келадиган ганимат фурсат. Ундаги маъно гавҳарлари қалбларимизни мунаввар этади, хонадонларимизни зиёга тўлдиради. Маънавий юксалиш юртимизнинг юксалишига ҳамоҳанг бўлиб, иншооллоҳ Ватанимиз тинчлиги ва осойишталигини таъминлашга хизмат қилади.

Саидафзал Саиджалолов,
Ўзбекистон халқаро ислом академияси катта ўқитувчиси,
"Маърифат" тарғиботчилар жамияти аъзоси.



ВИЛОЯТДАГИ ТАДБИР РЕСПУБЛИКА ЯРМАКАСИГА АЙЛАНДИ

«Навоий машинасозлик заводи»да 22-24 апрель кунлари Республика тармоқлар кооперация саноат ярмаркаси бўлиб ўтди. Унда янги махсулотлар намойиши ва савдо битимлари амалга оширилди. Ярмаркада 450 та корхона ва 140 га яқин ишлаб чиқарувчилар қатнашди.

Тадбир ишлаб чиқарувчилар ва харидорлар ўртасида истиқболли ҳамкорликни йўлга қўйиш учун катта имконият яратди. Ярмаркада қўллаб саноат корхоналари қаторида Навоий кон-металлургия комбинати ҳам ўзининг кенг турдаги махсулотлари билан фаол иштирок этди. Кўргазмага қўйилган махсулотлар тадбир қатнашчиларида катта қизиқиш уйғотди.

— Бундай тадбирлар ҳар йили вилоят миқёсида ўтказилаётган эди. Бу йил эса бевосита республика раҳбарияти кўмағида унинг кўлами янада кенгайди. Шунга яраша корхонамизда пухта тайёрларлик кўрилди. Яратилган

шарт-шароитлардан меҳмонлар хурсанд эканликларини таъкидлашмоқда. Бундай ярмаркаларнинг ташкил этилиши ишлаб чиқарувчи ва харидор учун фойдали ҳисобланади. Ярмарка давомида ҳамонлар тўғридан-тўғри шарт-номалар тузиш, келишувларга эришиш имконига эга бўлишди, — дейди НКМК Маҳаллийлаштириш дастурларини шакллантириш ва мониторинг қилиш бўлими бошлиғи Улугбек Санакулов.

Иштирокчилар учун «Навоийазот» АЖ, «Навоий иссиқлик электр станцияси» АЖ, «Навоий» эркин иқтисодий зонаси, «Гидростанкосервис» МЧЖлари, шунингдек, Навбахор туманидаги «Сармишсой» туристик базаси, қадимий қоятош расмлари, Нуротадаги «Чашма» зиёратгоҳига саёҳат ташкил этилди.

Тадбир янги ҳамкорлар топиш билан бир қаторда, мамлакатимиз оғир саноатининг бугунги аҳволини билиш имконини берди. Ярмаркани ҳар йили ўтказиш ва унда хорижий корхоналарни ҳам жалб этиш режалаштирилмоқда.

Ўз мухбиримиз

ГЎЗАЛЛИК КАШФИЁТЧИЛАРИ



Ўзбекистон бадий академияси томонидан Камолиддин Бехзод номидаги миллий рассомчилик ва дизайн институтининг 1-2-босқич талабалари ва тасвирий санъатга ихтисослашган мактаб ўқитувчилари учун Кўкғўмбаз хиёбонида рассомчилик ҳафталиги бўлиб ўтди.

Рассомчилик қадимий санъат тури бўлиб, у давр ўтиши билан профессионал санъатнинг қучайиши уни мустақил санъат турига айлантирди. Уйғониш даври ва ундан кейинги даврларда рассомчиликда ифода воситалари бойиган ва бир қатор мутахассислар етишиб чиққан.

— Рассомчилик санъати қандай хомашёдан фойдаланиши ёки расмининг қандай ишланишига қараб рангтасвир ва графикага ажратилади. Рангтасвирда ранг муҳим ўрин эгалласа, графикада асосан чизик, оқ-қора бўёқ доғлари муҳим ҳисобланади. Ранг графикада иккинчи даражали бўлиб у қўл ҳолларда тасвирнинг гоёвий эмоционал томонини қучайтириш мақсадида қўлланилади, — дейди Камолиддин Бехзод номидаги миллий рассомчилик ва дизайн институтининг дастгоҳли рангтасвир йўналиши талабаси Фуқрат Райимов. — Тасвирий санъатни яхши кўрган одамдан ҳеч қа-

чон ёмонлик чиқмайди. Аввало рассом картина яратётганда биринчи навбатда тасвирнинг турли нисбатларини олиши ва охирида рангларга эътибор бериши лозим. Рассомнинг фикрлашни билиши, гўзаллиқни кўра олиши чидаётган тасвири устида креативроқ ишлашига ёрдам беради.

— Бугунги кунда институтимизда тасвирий санъатнинг бир қанча йўналишларида талабалар тахсил олиб келмоқда, — дейди театр декорацияси кафедраси ўқитувчиси Даврон Ражабов. — Ушбу тадбирда театр, китоб, мультимедия, кино рассомчилиги ва бошқа йўналишда ўқиётган талабаларимиз қатнашди. Рассомларда палитрани янгилаб олиш, деган тушунча бор. Бунда рассом табиатга қийиб ранглар уйғунлигини кўради, уни ўрганишга ҳаракат қилади. Тасвирий санъат фақат қўриш мумкин бўлган нарсаларнигина тасвирлаб қолмай, балки ҳодисаларнинг вақтинчалик ривож, эркин ҳижоянавислик, динамик ҳаракатларни ҳам акс эттириб, гоёвий ўзлаштириш имкониятларини кенгайтиради.

Тўрт кун давомида бўлажак рассомлар тажриба алмашиш билан бирга ўзларининг ижодий коллекциясини бойитиш имконига эга бўлишди.

Жамшид АМИРОВ,
ЎзЖОКУ талабаси.

МУРОЖААТНОМА

2021 йил охирига қадар электрон давлат хизматларини
60 тага кўпайтириб, уларни 300 тага, масофавий
хизматлар улушини эса камида 60 фоизга етказиш
зарур.

АМАЛИЙ ИШЛАР ДАВРИ

ИШСИЗ ЁШЛАРГА ЕР АЖРАТИЛДИ

СамДУ олимлари ердан унумли фойдаланиш бўйича амалий ўқув-семинар ўтказди

Самарқанд вилоятида 8 минг нафардан ортиқ ёшлар ишсиз сифатида қайд этилиб, “Ёшлар дафтари”га киритилган. Улар учун 14 туманда 24.5 минг гектар ер майдони фойдаланиш учун ажратилган.

Ердан унумли фойдаланишни ташкил этиш мақсадида ташкил этилган семинарда СамДУ ректори, профессор, Олий Мажлис Сенати аъзоси Рустам Холмуродов, 50 га яқин профессор-ўқитувчи, туман ҳоқимларнинг қишлоқ хўжалиги бўйича ўринбосарлари, сектор раҳбарлари, Ёшлар ишлари агентлиги вилоят, туман бўлимлари мутасаддилари, ОАВ вакиллари иштирок этди.

Мақсад аниқ – ер олган ёшларга СамДУ агробиотехнологиялар ва озиқ-овқат хавфсизлиги факультети домплари томонидан маслаҳат бериш, ёшларни қизиқтириётган саволларга биргаликда жавоб топиш, ердан қандай фойдаланиш ва деҳқончилик маданияти бўйича фикрлашдан иборат эди.

Мулоқот давомида туманларнинг ўзига хос томонлари, иқлими, ери, сув таъминоти ҳақида ҳам мулоҳазалар билдирилди. Ердан мўл-кўл ҳосил олиш сирлари, деҳқончилик мавсуми, экинларни турли зараркунандалардан ҳимоя қилиш йўллари ҳақида маълумот ва тавсиялар берилди. Самарқанд давлат университети олимлари томонидан тайёрланган “Томорқада ишлашни ўрганимиз” услубий кўрсатмаси тадбир иштирокчиларига тарқатилди. СамДУда ер ажратилган ёшлар учун ташкил қилинган телеграм канали ҳақида ҳам маълумот берилиб, энди ёшлар ўзларини қизиқтирган саволларни бемалол масофадан туриб бериш ва қисқа вақтда мутахассис жавобини олиш имкониятига эга бўлганликлари таъкидланди.

— Бугун олимларимиз томонидан пастдаргомлик ёшлар учун жуда фойдали, зарур тадбир ўтказилди, — дейди Ёшлар ишлари агентлиги Пастдаргом тумани бўлими раҳбари Шахноза Ибодуллоева. — Айниқса профессор-ўқитувчиларнинг маърузаси ёшларга маъқул бўлди. Савол-жавоблар ёшларимизнинг ердан фойдаланишга бефарқ эмасликларини кўрсатди. Мана шундай амалий ишлар бардавом бўлишини истаимиз. Пастдаргомлик ёшлар номидан мазкур гоёнинг муаллифларига миннатдорлик билдираман.

**Ситора Бекмуродова,
Жомбой тумани:**

— Самарқанд давлат университети олимларининг Жомбойда ёшлар билан учрашуви бизни қувонтирди. Чунки бу мулоқот биз ёшлар учун аниқ муддо. Агробиотехнологиялар ва озиқ-овқат хавфсизлиги факультети домплари томонидан тайёрланган “Томорқада ишлашни ўрганимиз” номли китоб ҳам берилди. Деҳқончилик, ер, сув, уруғ, парвартириш масалаларидаги маърузалар жуда қизиқарли. Менга ҳам 30 сотих ер берилди. Бу майдонга ловия экдим. Ёшларга ер берилиши бизда умид уйғотди. Олимлар билан учрашув мана шу ишонччи янада мустаҳкамлади.

**Давлатбой Кўшбоқов,
Пойриқ тумани:**

— “Ёшлар дафтари”га киритилгандим. Даставвал, бу дафтарнинг нима мақсадада ташкил этилганини тушунмаганман, ишсиз ёшлар рўйхати холос, деб ўйлагандим. Бироқ бошланган амалий ишлардан сўнг, мазкур лойиҳа замирида ёшларни иш билан таъминлаш ётганлигини тушундим. Менга ҳам 25 сотих ер ажратиб беришди. Экин экиш бора-сида иқиландим. Ўқув-семинардан сўнг аниқ бир фикрга келдим. Улар картошка, помидор, сабзи, бодиринг, пиёз ва бошқа экинлардан мўл ҳосил олиш юзасидан маслаҳатлар беришди. Мен картошка экдим. Кимёвий дори қўлламадан зараркунандаларга қарши маҳаллий усуллар билан курашиш ҳақида ҳам тушунчага эга бўлдим. Бундай қизиқарли ва илмий асосланган фактлар бизга асқотишига ишонаман.

**Камола Кубаева,
Иштихон тумани:**

— Ишсиз дейишдади-ю, лекин ҳақиқий ишсиз одамнинг кўнглидан киним ҳақиқий ўтаётганлигини билишмайди. Ҳар вақт, ҳар дақиқада иш топиш, рўзгор тебратиш ҳақида

ўйлаймиз. Айниқса, мен каби ёлғиз аёл учун бу жуда ҳам муҳим. Уйимдан узоққа қатнаб ишломаслигим туфайли деҳқончилик учун ер олдим. Самарқанд давлат университети домплари билан учрашув жуда ҳам фойдали бўлди. “Юлдуз” нави нўхат экдим. Бу нав Ўзбекистонда ихтиро қилинган. Ўсув даври ўртача 81 кун бўлиб, у турли зараркунандаларга, қурғоқчиликка, аскохитозга чидамли.

**Зафар Мусаев,
Самарқанд тумани:**

— 27 ёшдаман, уйланмаганман. Бунга сабаб ишсизлигим, деб айтсам тўғри бўлади. Илгари четда ишлаб келардим. Пандемия туфайли йўллар ёпилди, ишсиз қолиб кетдим. Менга ҳам 20 сотих ер берилди. Бунда Ёшлар ишлари агентлигининг ёрдами анча катта бўлди. Ўзи аслини олганда Ёшлар иттифоқидан сўнг, яна бир агентлик ташкил этилганда, бу



нима учун керак, деб ўйлагандим. Улар ҳар бир ёшнинг муаммосини, оилавий шароитларига ҳақиқатан ҳам эътибор қарашди. Олдин фермердан ер олиш машаққат эди. Лекин бугун янги тизимда биз агентлик кўмағида ерга картошка экдим. Етарлича ишлов бериб, уруғни тўлиқ ундириб олдим. Худо хоҳласа, даромад ҳам ёмон бўлмайди.

**Тоҳир Кўзиёв,
Тойлок тумани:**

— Самарқанд давлат университети агробиотехнологиялар ва озиқ-овқат хавфсизлиги факультети декани Тошпўлат Ражабовнинг маърузаси менга маъқул бўлди. Домла қишлоқ хўжалигини оила иқтисодиётидаги ўрни, рўзгор мўл-кўлчилигини таъминлашдаги аҳамияти, шунингдек, томорқада ишлаш ҳар бир оила аъзосининг саломатлигида муҳим ўрин тутганини алоҳида таъкидлади. Мен ҳам ўзимга ажратилган 10 сотих ерга 400 килограмм картошка экдим. Ундан 6-7 тоннага яқин ҳосил кутаялман. Университет олимлари томонидан тайёрланган ўқув-қўлланмада ушбу ҳосил миқдорини янада оширишим мумкинлиги ҳақидаги маълумотларни ўқиб, унга амал қилаялман.

**Субҳон Эргашев,
Ургут тумани:**

— Самарқанд давлат университети томонидан ўтказилаётган ўқув-семинарда таклиф этилганда бу шунчаки расмийатчилик бўлса керак деган ҳаёлга борагандим. Лекин олимлар томонидан айтилган ҳар бир қарич ердан



унумли фойдаланиш, тупроқнинг экин экиш вақтидаги ҳолати ва шу каби аниқ фактлар менинг диққат эътиборимни тортди. Ерга картошка ва помидор экомқчи эдим. Олимлар энг яхши ва кўп ҳосил берадиган картошка уруғ нави сифатида “Марфона”ни, помидорнинг зараркунандаларга қарши чидамли бўлган “Истиклол” навини тавсия қилишди. Помидорларнинг дастлабқисини қўчат сифатида сотдим. Даромад ёмон бўлмади.

**Акмал Бўлтақов,
Оқдарё тумани:**

— Ишсиз пайтимда бирор тайинли юмуш излаган вақтларим кўп бўлган. Менга ер ажратилгандан сўнг бу ташвишдан қутулдим. Энди бор кучимни ва меҳримни ерга бермоқчиман. Олимлар билан бўлган семинардан сўнг

ҳам қолганларга нисбатан камроқ. Ҳосили анчагина мўл.

**Ғиёс Саидов,
Пахтачи тумани:**

— Уйланганман. 2 нафар фарзандим бор. Шу вақтгача чет давлатда, баъзан Тошкентга бориб ишлардим. Пандемия сабабли чегаралар ёпилди ва ишсиз қолдим. “Ёшлар дафтари”га киритилдим. Менга 20 сотих ер ажратилди. Ҳозир бу ерга баклажон экканман. Йигим-терим вақти яхши даромад олиш энг биринчи мақсадим. Ер берилгандан сўнг унга нима экиш тўғрисида анча вақт бир тўхтамга келолмай юрдим. Туманимизга Самарқанд давлат университetidан бир гуруҳ олимлар келиб, ердан унумли фойдаланиш тўғрисида ўқув-семинар ўтказишди. Мен ҳам унда иштирок этдим. Агробиотехнологиялар факультети олимлари томонидан ернинг дастлабки ҳолатлари, ер намлиги ва ўғитланганлиги қараб экин экиш кераклиги ҳақида маълумот берилди. Бизга тарқатилган “Томорқада ишлашни ўрганимиз” номли ўқув-қўлланмадаги керакли маълумотлардан фойдаланиб келаялман.

**Аббосжон Ботиров,
Пастдаргом тумани:**

— Туманимиз шаҳарга яқин бўлсада пандемия даврида биз ҳам ишсиз қолдик. Лекин Президентимиз ҳар бир ёш билан алоҳида ишлаш кераклиги, уларнинг муаммолари билан тизимли шугулланиш зарурлигини таъкидлаганидан сўнг, менга туманимиздан 25 сотих ер ажратилди. У ерга нўхат экдим. Лекин ундан кейинги босқичда амалга оширилиши керак бўлган ишлардан бироз хабарим йўқ эди. Университет олимлари маслаҳатидан кейин менда ўсимлиқни парваришлаш кўникмалари пайдо бўлди. Масалан, нўхат учун ернинг энг қўлай ҳарорати 6-7 даража ҳисобланади. Самарқанд вилояти ҳудудидан унинг экиннинг оптимал вақти март ойининг дастлабки икки ўн кўни ҳисобланади.

**Музроб Элмуродов,
Нуробод тумани:**

— Ёшларга ер ажратиши ёшларни қўллаб-қувватлаш йилида бизга берилаётган эътибор намунаси, десам муболага бўлмайди. Мен ҳам ишсиз эдим. Бугунги кунда иш топиш анча мушқуллашди бормоқда. Вақтда ўқиб-ўрганимаганим учундир балки. Бизга ер берилгандан хурсанд бўлдим. Экин экиш ҳақида айрим маълумотларга эга эдим. Ўқув-семинарда қатнашиб, ер ва томорқага оид қўллаб-қувватлаш бўлаб бериб бўлдим. Қаламлик, картошка, помидор, бодиринг каби экинларнинг агротехникаси ҳақида етарли маълумотга эга бўлдим.

**Достонбек Тўхтамышев,
Каттақўрғон тумани:**

— “Ерга меҳр берсанг, у сени боқади”. 25 сотих ер майдонида деҳқончилик қилаялман. Барча туманларда ўтказилиб келинган СамДУ олимларининг учрашуви оддий, қуруқ сўзлардан йироқ бўлиб, бизга тегишли кўрсатмалар, керакли маълумотлар берилди. Алоҳида телеграм канал очилгани биз учун янада қўлайлик яратди. Ушбу ўқув-семинарлар ҳар мавсумда мунтазам ўтказилиши айтилди.

**Отабек САЪДУЛЛАЕВ,
Самарқанд давлат университети
Ахборот хизмати ходими.
Шавкат АҚРАМОВ олган суратлар.**



ҲАМИША ИЗЛАНИШДА, ИНТИЛИШДА

Ёши улугларимиз умрини оқар дарага қиёслашлари замирида бир олам маъно мужассам. Зеро, инсон умри гоҳ тўлқинли, гоҳида сокин кечади. Орамизда шундай инсонлар борки, бетиним дараёдек мавжланиб, не-не чашмалар учун замин яратди. Бизнинг қаҳрамонимиз Анатолий Александрович 1943 йилда Қашқадарё заминидан дунёга келган. Дастлаб электр механик соҳасида ўқиган бўлишига қарамай, спортга бўлган муҳаббати уни Ўзбекистон жисмоний тарбия институтига етказди. Қарши шаҳрида жисмоний тарбия ўқитувчиси сифатида фаолиятини бошлаган Анатолий Александрович ўз устидан тинимсиз изланишлари натижасида пойтахтга келади ва иш фаолиятини давом эттиради. Бугун 80 ёшини қаршилаётган устоз касбига бўлган садоқати, ўқувчилар-у, шогирдларига бўлган муҳаббати боис ҳамоно ёш авлодга ўзининг ўғитлари билан ибрат бўлиб келмоқда.

Спортчиларга хос шижоат ҳамда ташаббускорлик устоз фаолият олиб бораётган Мирзо Улуғбек туманидаги 35-мактабнинг туман, шаҳар, Республика миқёсида танилишига замин яратди. У мактабда волейбол, баскетбол, гандбол тўғаракларини ташкил қилди. Тўғарак қатнашчилари орасида моҳир спортчи ва мураббийлар етиштириб чиқди. Баскетбол тўғарак иштирокчиларининг кетма-кет ғалабалари тўғарак довуғини Республика бўйлаб таралишига сабаб бўлди. Ҳар йили Ўзбекистон терма жамоасига айнан ушбу тўғарак қатнашчиларидан икки нафар номзод саралаб олинган оддий умумтаълим мактаби учун катта ютуқлардан биридир. Қувонарлиси, баскетбол машғулотли шу маҳаллада истиқомат қилувчи уюшмаган ёшлар учун ҳар якшанба кўни бепул ташкил этилади.

Юртимизда барпо этилган “Хумо” арена устознинг кўп йиллик орзуси амалга ошишига хизмат қилди. 2019 йилда Анатолий Александрович бу ерда ўзининг хоҳкей командасини тузди. Жамоага 9-11-синф ўқувчилари жалб этилди. Пухта тайёргарлик ва тинимсиз машғулотлар натижасида жамоа илк қадамидаёқ муваффақиятли ғалабаларни қўлга киритиб, Республика босқичига йўл олди. Афсуски, пандемия сабаб мусобақа охирига етмай қолди. Бироқ тўғарак ҳамоно ўз ишини давом эттирмоқда.

Республика миқёсида устознинг адолатпарварлиги ва ўз ишининг устаси сифатида танилиши унга турли мусобақаларда ҳакамлик қилиш имконини берди. Ҳали ҳам нуфузли турнирлар устоз ҳакамлигида ўтказилмоқда. Анатолий Александровичнинг меҳнатлари муносиб баҳоланиб “Дўстлик” ордени билан мукофотланди. Инсон севган касби ва уни қўллаб-қувватлаб турувчи жамоа билан муваффақиятлар сари олға оидмалар, ўз умрини маъмули саҳифалар билан бойтади. Фидойи устоз Анатолий Александровичга ана шундай инсонлардан.

**Жамшид АМИРОВ
ЎзЖОКУ талабаси**

ЖИНОЯТ ФОШ БЎЛДИ

ФИРИБГАР ОВГА ЧИҚДИ, ОРТИДАН ҒАВГО ЧИҚДИ

Жиноят ишлари бўйича Яккасарой туман судининг қора курсисидан ўтирган йигит бир қарашда фирибгарга ўхшамайди. Лекин унинг қилмишларини эшитган киши ёқасини ушлаши турган гап. Нодир (исмлар ўзгартрилган) қўл урган жиноятни айтадиган бўлсак у хусусий қорхоналарнинг бирдан “Матиз” русумли автомобилани кунига 90.000 сўмдан ижарага олиб, таксичилик қилиб юрарди. Лекин нияти бўзилиб, қинғир ишга қўл ўрди. У Яккасарой туманидаги автопаркда турган автомобиллар аукцион орқали сотилишини эшитиб хом хаёларга берилди. Қўлларнинг бирида Марат исмли шахс билан учрашиб қўлиб, унга ўзини аукционлардан автомобилларни арзон нархда сотиб олиб берадиган тадбиркор, деб таништирди. Марат “Матиз” сотиб олмақчилигини айтиди.

Нодир унга “Матиз”ни 20 миллион сўмга олиб беришини, пулини ярмини олдиндан беришини, қолган 10 миллион сўмини бир йил давомида бўлиб тўлашни таклиф қилади. Бу гапга ишонган Марат унга қандай қилиб 10 миллион сўм бериб юборганини билмай қолади. Нодир эса олган пулларни жигилдонига уради. Орадан бир-икки кун ўтган, Марат унга яна бир машина кераклигини айтиди. Қўбил деган таниши ҳам шундай нархга машина олмақчилигини, шу ҳақда гаплашиб олишни илтимос қилади. Ови бароридан келаётган Нодир учрашувга чиқади. Қўбил унга “Жентра” олмақчилигини, лекин ҳозир пули йўқлигини айтиди. Нодир асосий суммани кейинчалик тўлаш шарти билан ҳозир бу машинага учун 8 миллион сўм берса, бир ҳафтада расмийлаштириб беришини айтиди. У ўша ернинг ўзидан Қўбилдан нақд 8 миллион сўм пулни санаб олаётганда ҳуқуқ ҳимоячилари томонидан қўлга олинади. Ўзини тадбиркор деб таништирган фирибгарнинг найрангари охири-оқибат фош бўлди.

**Санжар ИБАДОВ,
жиноят ишлари бўйича Яккасарой
туман суди судьяси.**



Адлия вазирлигининг телеграмдаги
«Huquqiy axborot» канали

МУРОЖААТНОМА

Республика “Нуроний” жамғармасы томонидан кексаларга доимий ёрдам кўрсатилиши учун унинг молиявий имкониятлари янада кенгайтирилади. Бунинг учун 2021 йилда ушбу жамғармага бюджетдан 100 миллиард сўм ажратилади.

9 МАЙ — ХОТИРА ВА ҚАДРЛАШ КУНИ

ҚАҲРАМОН ҚАБРИ ҚАРОВСИЗ ҚОЛМАЙДИ

Ғанитой Тошнйёзов уруш бошланганида ҳарбий хизматда эди. У Ғарбий Беларуссияда ҳаракатланаётган 86-ўқчи дивизиясининг 169-ўқчи полки таркибиде шиддатли жангларда қатнашди. 1942 йилда жанг майдонида ярадор бўлиб, тузалиб чиққанидан кейин «Разгром» («Тор-мор») партизанлик бригадасига бориб қўшилди.

Уша пайтда «Искра» («Уққун») адабий-бадий журнали бригада тарбияотчи гуруҳи томонидан қўлэзма ҳолда чоп этилар эди. Беларусь давлат Улуғ Ватан уруши тарихи музейида сақланаётган журналнинг нишона сониде ҳамюртимиз ҳақида «Гантай» мақоласи эълон қилинган. Партизанлар Ғанитой исмини айтишга қийналгани учун уни ўзларига қўлай тарзда «Гантай», «Гриша» деган номлар билан аташган. Ғанитой Тошнйёзов ҳақида кенгрок тасаввурга эга бўлиш учун бирламчи манба бўлган мазкур очеркни қисман қисқартирилган ҳолда келтирамиз.

«— Гантай келди! — Гантай қўпориш ишидан қайтди! — деган овозлар лагер бўйлаб тарқалди ва партизанлар мард диверсантларни қўриш ва таъриқлашга шошилишди. Партизанлар етиб келганларнинг қўлларини қаттиқ сиқиб, ишлари қай ҳолатдалигини, эшелонни портлатишдиими, нима янгилликлар билан келишгани ҳақида сўрашарди. Фашистлар томонидан мадад кўчларини етказиб қайтаётган поездлар қатнаётган темир йўл полотносининг навабдаги портлаши қандай амалга оширилгани ҳақидаги хикоялар гуруҳларга бўлиниган ҳолда бошланарди.

Қўпоровчиларнинг ҳикоялари қувнок, ибратли ва бири-бирдан қизиқ эди. Уларда жанговарлик, мардлик ва жасорат руҳи, ҳикоя қилишга азиядидан воқеалар бор. Айниқса, Гантай Тошнйёзов жуда кўп нарсалар ҳақида ҳикоя қилиб беради.

Партизан отряди жанговар фаолиятининг биринчи қўлларидан диверсант-қўпоровчилар гуруҳлари ўз ишини бошлади. Қўпоровчиларнинг биринчи гуруҳи тарихибига ўзбек Гантай Тошнйёзов ҳам кирди. У топширилган ишни ҳар қандай вазиятда бажариш учун кўрсатган ишбилармонлиги, жасуриги, қатъийлиги тўғриси гуруҳга кириштирилди.

Диверсантлар иши ҳам қийин, ҳам ҳавфлидир. Гитлерчилар муҳим темир йўл ва шоссе магистралларини сутка бўйи, кўча-йўлларнинг ҳолда қўриқлашарди. Бошида улар темир йўлни қўриқлашга атрафдаги қишлоқларнинг аҳолисини мажбурлашди. Қўриқсиз деҳқонлар темир йўл полотнолариде патруллик қилишарди ва улар диверсантларни сезиб қолганида, бир-бирларидан чекиш учун бақириб махорка сўрашарди. Бу шартли парол бўлиб, уни эшитган заҳоти будкалардан қўриқланган қўриқчилар югуриб чиқарилди, қишлоқда келаётган душман ҳужумини олов билан қайтаришарди. Деҳқонлар фашист босқинчилардан қаттиқ нафратланганлар, улар партизанларга темир йўл полотноларини портлатишга қўмақлашарди.

«Гуруҳимиз томонидан биринчи бор душман эшелонини қўпориш 1942 йилнинг 12 сентябрида содир бўлди», — деб ҳикоя қилади Гантай. Портлаш натижасида паровоз ва ҳарбий мол-мулк ортилган беш вагон йўқ қилинди. 13 фашист тилка-пора бўлган вагонлар бўлаклари остида яқсон бўлди. Бу отряд диверсантлари томонидан душманга берилган биринчи зарба эди. Ундан кейин темир йўлларда кетма-кет портлашлар авж олди. 20 кундан кейин Гантай рельс тагига заряд қўйди ва шуруни (портлаш моддаси олов ўтқазувчи пиллик) бошқа қўпоровчилар ўқлашган ўрмон томонга тортди. У ўз ишини тез ва шовқинсиз аяқлаб, қўпоровчилар ёнига эмалаб борди. Поездни қуттиш бошланди.

Тез орада узокдан яқинлашаётган душман эшелони шовқини эшитилди. У янада яқинлашиб келмоқда. Мана қоронғиликда балластини платформадан шарпалар кўринмоқда, эшелон ортидан кўш паровоз тортаётган катта таркиб келмоқда. Қўпоровчи Батара зарядни қўриқлаш платформа орқали ўтказиб, шуруни тортди. Айни пайтда биринчи паровоз остида миная портлади. Портлаш паровозни рельсдан улоқтириб юборди. Ортдан келаётган иккинчи паровоз биринчисиға шиддат билан урилди ва иккаласи ҳам йўлдан қияликка ағдарилди. Ортдан худди гу-гурт қўтиларли сочилганидек, жигарранг мундирларда келаётган фашистларга тўла вагонлар бир-бирининг устига ағнаб, ёйилиб кетди.

Разведкачилар мазкур жанговар партизанлик операциясидан кейин икки юзта ўлган ва уч юздан ортиқ ярадор фашист аскарлари ва офицерларини санашди. Уларни беш кишидан иборат қўпоровчилар гуруҳи йўқ қилди. Зарядни Гантай қўйди. Унинг танланган жойга яқинлаб ўрнатган заряди ўз вақтида портлатилгани юксак муваффақиятти



таъминлади. Тирик қолган гитлерчилар тартибсиз равишда ўқ отишни бошлашди. Аммо қўпоровчилар ўрмонга зарар кўрмасдан, отряд командири топшириғини виждонан бажарган ҳолда қайтишди.

Қўпоровчилик операциялари доим ҳам бундай муваффақиятли ўтмайди. Бир сафар зарядни қўяётганда Гантай фашист қўриқчиларини сезиб қолди. Улар темир йўл полотноси бўйлаб ҳаракатланаётган эди. У жойга беркинлиб олди. Дастлаб заряд қўйилган жой атрофидан икки фашист, кейин учтаси ўтди ва унинг ортидан катта гуруҳ кела бошлади. Улар бутун темир йўл полотносига ёйилиб келишарди. Фашистларнинг қўзи зарядга тушиб, нима эканини билиш учун ҳаммаси атрафни ўраб олишди.

— Заряд бекор кетади, уни ҳозир ечиб олишди — деган фикр ўтди Гантайдан. — У шунчаки бекор кетмаслиги керак — деб, узок ўйлаб ўтирмасдан шуруни тортди. Кучли портлаш овози эшитилди. Ҳавога ер ва шағал билан 18 фашист қўриқчилари кўтарилди. Заряд бекор кетмади.

Бир сафар қўпоровчилар пистирмага дуч келишди. Уни Гантай олдиндан сезди ва заряд қўйишни кейинга қолдирмоқчи бўлди. Қўпоровчилар яқинда фашист қўриқчилари гуруҳи ўтган қалин қўра қарағачи томонини узок вақт кўзатиб туришди. Ҳаммаёқ жим-жит, шитирлаган овоз ҳам эшитилмасди. Шунда Гантай ва тўрт қўпоровчи полотнога эмалаб боришди. Пулемётчи Маликов ўрмон чеккасида ётган ҳолда пулемётини шай қилиб, сафдошларини мудофаа қиларди. Гантай ва шериклари кўрмагача шовқинсиз эмалашди. Йўл сематор сими билан тўсилган эди. Унинг остидан Гантай ва ортидаги икки қўпоровчи эчпиллик билан ўтишди, кейингисини эса орқасини симга илтириб олди. Сим овоз чиқариб, жаранглай бошлади. Ҳамма қотиб қолди. Лекин атраф ҳамон тинч эди. Шунда Гантай биринчи рельсга эмалаб борди ва тошларни ерга ташлаб, заряд учун чуқурлиқни тайёрлай бошлади. У шовқинсиз ишларди. Мана чуқурлик ҳам тайёр. Қўпоровчи унга топ зарядини берди. Гантай чуқурликка зарядни қўйиб, энди детонатор капсулини ўрнатишни ўйлаётган ҳам эдики, кўтарманинг у томонидан қадам товуши эшитилди. Гантай бошини кўтариб унга яқинлашаётган фашист гуруҳини кўрди.

Улардан энг биринчиси — Халыт! («Тўхта!») — деб бақирди ва жавобни кутмасдан Гантайга қарата ўқ узди. Қўпоровчилар тугалланмаган ишларини ташлаб, ўрмон томонга қочибди. Фашистлар ёлғирдек ўқ ёлғирлишиди. Душман ўқларидан бири Гантайнинг чап қўлига тегди. Уни ва сафдошларини қоронғилик ва албатта ёрдамга келган пулемётчи Маликовнинг шиддатли оловы кўтарди. Аниқ нишон билан у тўрт фрицни ўлдирди, қолганларини ётишга мажбурладики, бу ярадор командир ва бошқа қўпоровчиларнинг олов чизигидан чиқишга имкон берди. Гантай гуруҳи бир ярим ой ичида тўртта душман поездини ағдарди. Ярадор бўлган Гантай икки ой даволаниб, яна сафга қўшилди.

Отрядда Гантай Тошнйёзов ҳисобига қўллаб шўхратга лойиқ жанговар ишлар мавжуд. У шосседа душман автоколоннасини тор-мор этишда жасуриги ва қатъийлиги билан ўрнак бўлди. Газ генераторлари учун гўлалар омборини ёқиб юборди. Фашистларнинг фронт учун юбораётган ҳарбий материаллар поездини биринчилардан бўлиб тор-мор этишда қатнашди. Гантай бошчилигидаги қўпоровчилик гуруҳи душманнинг

етти эшелонини ағдарди. Портлатиш натижасида 8 паровоз ва 76 вагон йўқ қилинди, фашист аскарлари ва офицерларидан 456 нафар ўлдирилди, 583 таси яраланди.

Гантай қўллаб мард партизан диверсантларини тарбиялади, темир йўл полотнолари, кўриқлар ва алоқа воситаларини қўпориш бўйича ўз тажрибасини уларга ўргатди. Отрядда хизмат қилаётганлардан: «Ким партизан Холиковни билади» деб сўрасангиз, қўпчилик уни билмаслигини айтишарди. Аммо сиз Ёқуб ким деб сўрасангиз, ҳамма бир овоздан: «Ҳа-а-а, Ёқубники, уни билмаган одам йўқ!» — дейишарди.

Ёқуб Холиковни отрядда мард разведкачи, жасур қўпоровчи, интизомли жангчи, самимий дўст ва сафдош сифатида яхши билишарди. Ёқуб қўпоровчилик иш тажрибасини ўз командиридан ўрганган. Борис Артёмович маҳаллий аҳоли билан алоқа ўрнатиш ва темир йўл магистралларини қўриқлайдиган душман кўчларини разведка қилишда Гантайнинг ўнг қўли ҳисобланарди. Толя Николаевский ва Толя Ишук жасур жангчилар бўлиб, командир буйруқларини бажаришда уларни ҳеч нарса тўхтатиб қолмайдиган. Гантай бошчилигидаги бу бешик отряддаги қўпоровчилик-диверсия ишларида энг сараси ҳисобланарди.

Фашистлар фронт таъминланганидан бош магистралларни қўчайтирилган ҳолда қўриқлашмоқда. Темир йўлнинг ҳар бир километрида олтига қўрилган қўриқчи, бошқа жойларда эса миномёт ва пушкарлар жойлаштирилган дзюллар, шунингдек, минали майдонлар бор. Шунга қарамайдан, Гантайнинг қўпоровчилик гуруҳи фашистларнинг эшелонларини ағдармоқда. Улар келгусида ҳам душман фронтга мадад ва қўриқларни ўтказишмайди. Жанговар хизматлари учун отряд қўмондонлиги Гантай Тошнйёзовни ҳукумат мукофотиға тақдим этди. У бунга тўла мунособидир.

Ғанитой Тошнйёзов 1944 йил 9 февраль кунини Смики қишлоғи яқинида оғир жанда ярадор бўлиб, душман қўриқлариде қолади. Командир сифатида у қўриқдош дўстлари чекинишини таъминлаб, охири ўқ билан ўзини отади. Отрядда 10 февраль соат 20.00 дан 13 февраль соат 20.00 гача Ғанитой Тошнйёзовга мотам тутилди. Партизаннинг номи отряд рўйхатида абадий сақлаб қолинади.

Ғанитой Тошнйёзов «Ватан уруши партизани» медали ва I-даражали Ватан уруши ордени билан тақдирланган. Отряд тавсиясига кўра, «Разгром» бригадаси Қаҳрамон унвонига унинг ҳужжатларини расмийлаштириб, ўша вақтда Москвада жойлашган Беларуссия партизанлик ҳаракати штабига жўнатганда самолёт душманнинг зенит тўпларидан ўққа тутилди. «Искра» отрядининг командири Владимир Дерябин Ғанитой Тошнйёзовнинг синглиси Бибиҳожар Сайдалиевага ёзган хатиде «Ғанитой бизнинг отрядимизда Қаҳрамон унвонига тавсия этилган ягона партизан эди», — деб қайд этган эди (Назармат. Жангоҳдан қатралар. — Тошкент, 1974. — Б. 89.).

«Искра» отряди ҳақидаги «Жангларда тобланганлар» номли ҳужжатли қиссасини Ғанитой Тошнйёзовнинг ёрқин хотирасига бағишлаган журналист Василий Антонович Зеленский (Зеленский В.А. Жангларда тобланганлар. — Тошкент: Ёш гвардия, 1978. — 232 б.) Бибиҳожар Сайдалиевага ёзган хатиде у узок муддат Беларуссия компартияси партия тарихи институтининг архив

ҳужжатларини ўрганган, «Искра» отряди 1943 йилнинг 27 октябрида Ғанитой Тошнйёзовни Қаҳрамон унвонига тавсия этганлигини аниқлаган (Назармат. Жангоҳдан қатралар. — Тошкент, 1974. — Б. 91.).

Мен қаҳрамон ватандошимизни кейинги тақдирини нима бўлганини аниқлаш мақсадида Беларуссияга хизмат сафари билан келаётганимда: «Ғанитой Тошнйёзов қабрини зиёрат қила оламаними?», — деган фикр хаёлимдан ўтди. Сафарнинг иккинчи ҳафтасида Петрусь Бровка номидаги Беларуссия энциклопедияси нашриётдан «Победа одна на всех. Беларуссия — Ўзбекистан» китобини топдим. Китобнинг биринчи қисмида Ғанитой Тошнйёзовнинг жасорати ҳақида ҳам алоҳида сўз қўрилган, иккинчи қисмида Беларуссия заминиде дафн этилган минглаб ўзбекистонликларнинг қабрлари бўйича маълумотлар берилган. Аввало, айтиш кераки жуда катта иш қилинган. Шу билан бирга, рўйхатда Ғанитой Тошнйёзовнинг қабри қаерда экани ҳақида маълумот йўқ эди.

Ёзувчи Назарматининг «Жангоҳдан қатралар» китобиде «Разгром» бригадасининг «Искра» отряди командири В.Дерябин билан бирга Ғанитой Тошнйёзов қабрини зиёрат қилишга боргани ҳақидаги хотираларида бу ҳақда маълумот бўлиши мумкинлигини эслади. Меҳмонхонага қайтган, китобнинг электрон вариантыни яна бир бор кўриб чиқдим. Адашмаган эканман. Китобнинг 44-бетиде қабр Клиник қишлоғидеги жойлашгани кўрсатилган.

Интернет орқали «Клиник қишлоғи, биродарлик қабристонини», деб қидирув бердим. Интернет Червенский районининг Клиник қишлоғи бўйича маълумотларни кўрсатди. Унда қишлоқдаги қабристонда «Разгром» бригадасида фаолият олиб борган партизанларнинг қабрлари борлиги қайд этилган. Аммо негариб «Искра» отряди ҳақида ҳеч нима дейилмаган...

Эртаси кун дедастур доирасида бир қанча учрашувларга борганим сабабли меҳмонхонага кеч қайтдим. Сахардан яна интернетдан маълумот изладим. Лекин натижа бўлмади. Ниҳоят, ёзувчи Назармат китобининг 43-бетиде кўрсатилган маршрут бўйича қишлоқ номини қидиришни бошладим. Ана ўшанда қишлоқ агрошаҳарчага айланганини ва унинг ҳозирги пайтда Кленник деб номланганини аниқладим.

Агрошаҳарчининг биродарлик қабристонини ҳақида маълумот бўйича қидирув бердим. Смоленский тумани икромия қўмитасининг 2018 йил 6 августдаги 1848-қарорига илова ҳужжатидеги 45-қаториде 5360-рақамли қабр Ғанитой Тошнйёзовники эканлиги берилган экан. Шундай қилиб, 2019 йил 3 августда тарихи фанлари доктори Бахтиёр Расулов билан биргаликда Минск — Рованичи йўналишидаги автоуловда йўлга чиқдик. Биродарлик қабристонини агрошаҳарчага киришда ёки бошқа жойида бўлиши мумкин эди. Шу сабабли ҳайдовчидан қабристон қаерда эканини сўрадик. У қабристонни эслаб олмаётганини, аммо манзилга яқин қолганида йўловчилардан сўраб-суриштиришини билдирди. Ниҳоят, манзилга яқинлашганимизда бир аёлдан қабристон қаерда жойлашганини аниқлаб олдик. Ҳайдовчи ўзининг буваши ҳам урушда қатнашгани ҳақида гапириб, яқиний бекатдан сал юқорида жойлашган биродарлик қабристонига олиб бориб қўйди.

Йўлнинг ўнг четиде биродарлик қабристонини, чап томонида қишлоқ

қабристонини жойлашган экан. Биргаликда биродарлик қабристонига кириб, ёдгорликка битилган номларни бирин-кетин ўқиб бошладик. Аммо уларнинг ичиде Ғанитой Тошнйёзовнинг номи қайд этилмаган эди. Яна бошқа жойда қабристон бор-йўқлигини ҳайдовчидан суриштирдик. У бошқа қабристонини билмаслигини айтди. Йўловчиларни куттириб қўйгани учун ҳайдовчи вақти чегараланганлигини айтиб, уэр сўради. Истасак, бирга шаҳарчага боришимиз мумкинлигини билдирди. Биз Бахтиёр Расулов билан ватандошимиз қабрини топиб, зиёрат қилиш мақсадида келганимизни айтиб, у билан хайрлашдик. Кейин биродарлик қабристонини ёнидаги қабристонга бордик.

Қабристонга кирган заҳоти қабртошларда бир ерда мангу қўним топан инсонларнинг вафот этган саналари 1943-44 йилларга тўғри келишини аниқладик. Бу бизни бироз хотиржам қилди. Шу вақт йўловчиларни манзилга тушириб қайтиб келаётган автоулов ҳайдовчиси қабристон бошида тўхтаб, бизларга сигнал берди. У қабристон бошланишида бир қатор партизанларнинг қабрлари борлигини айтиб, йўлида давом этди.

Ҳақиқатдан ҳам бу жойда ўндан ортиқ партизанларнинг қабри бор экан. Лекин уларнинг орасида ҳам Ғанитой Тошнйёзовнинг қабри йўқ. Рақам бўйича қарайлик десак, қабрларда рақам кўрсатилмаган. Бахтиёр ака билан бирма-бир қабрларни қараб чиқишга келишиб олдик. Биринчи қатор тугади. Иккинчи қатор, учинчи, тўртинчи, бешинчи... Қайсиқир қатор узун, қайси бириқир боқсак билан тугашиб кетган...

Юртдошимиз қабрини топишга бўлган ишонч тобора сўниб борарди. Еттинчи қаторни дала томонидан бошладим. Қатордаги охири қабрга яқинлашар эканман, ундаги юлдуз рамзи диққатимни тортди. Сабаби, партизанларнинг қабрларида юлдуз рамзи бор эди. Ҳа, бу — Ғанитой Тошнйёзовнинг қабри эди. Демак, қабристон бошланишидан ва кўча томондан еттинчи қатордаги биринчи қабр юртдошимизга тегишли экан.

Қабр бошида наваб билан тиловат қилдик. Тиловатдан кейин Бахтиёр ака: «Қаранг, қабр яқиндагина тозаланиб, тартибга келтириб қўйилган», — деди. Ҳақиқатдан ҳам қабр тозалангани кўриниб турарди. «Бахтиёр ака, қишлоқ фуқаролар йиғинидан қабрга ким қараётганини аниқлаштириб, бир оғиз миннатдорчилигимизни билдиришимиз керак», — дедим. Бахтиёр ака «Автоулов ҳайдовчиси қишлоқ фуқаролар йиғини шанба кунини ишламайди, деб айтди-ку!» — деди. Мен эса: «Қоровул бордир, ундан раиснинг уйини сўраймиз, учрашиб кетамиз», — дедим.

Қабристондан чиқиб кетаётганимизда пидеалар йўлғи қаториде ўрнатилган тахтачага рус тилида ёзилган ёзуви диққатимизни тортди. Бахтиёр ака: «Козимхон, балки мактабдан суриштирармиз!» — деди. Мен: «Ҳозир шанба бўлса, устига-устак ёз бўлса», — деб ўз фикримни билдирдим. Шунда у киши: «Қоровул бордир» — деди.

Биз Кленник болалар боғчаси — таънч мактаб ўқув-педагогик мажмуасига кириб бордик. Бизни қоровул аёл кутиб олди. Улар юртдошимиз қабрини зиёрат қилишга келганимизни эшитиб, мактабда музей борлигини айтди ва ўша заҳоти мактаб директорига қўнғирок қилиб, уни бизнинг нима учун келганимиздан хабардор қилди. Бирпасда мажмуа директори Нина Ивановна Минич етиб келиб, бизни музей билан таништира бошлади. Музей раҳбари Виктория Юрчук ҳам тез орада қарандир етиб келди.

Музейда «Искра» отрядининг таниқли қўпоровчиси Ғанитой Тошнйёзовга алоҳида экспозиция қилинган. У ерда қаҳрамон Тошнйёзовнинг синглиси Бибиҳожар Сайдалиеванинг хати, у томонидан тақдим этилган альбом сақланаётган экан. Экспозициядан 1975 йил 6 июлда Ғанитой Тошнйёзовнинг онаси ва синглиси қабрини зиёрат қилаётгани муҳрланган сурат ҳам ўрин олган...

Музей раҳбари Виктория Александровна: «Қаблар, юртдошимиз қабри тоза-озода, тартибга келтирилган экан. Ҳўрматингиз, эътиборингиз учун сизлардан миннатдоримиз. Уларнинг қабрларига ким қарайди?» деб сўрадик. «Қаҳрамон партизанларимизнинг қабрларига мактабимиз ўқувчилари қишин-ёзин қараб келишади», — деб жавоб берди мезей директори... Бундан жуда мутаассир бўлдик. Демак, қабр қаровсиз қолмайди. Ғанитой Тошнйёзов жасорати ҳақида ҳикоялар авлоддан-авлодга ўтаверади...

КОЗИМХОН САГДУЛЛАЕВ,
Ўзбекистоннинг энг янги тарихи масалалари бўйича Мувофиқлаштирувчи-методик марказ директори в.б., санъатшунослик фанлари бўйича фалсафа доктори.



ЮЗ ЎРИНЛИ ЗАМОНАВИЙ БОҒЧА

фойдаланишга топширилди ҳамда 14 нафар опа-сингилимизнинг бандлиги таъминланди

“Дунётепа” маҳалласи Денов тумани марказидан 20-22 километр оғида жойлашган. Худудда 5 минг нафардан ортиқ аҳоли истиқомат қилса, юртдошларимизнинг асосий қисмини ёшлар ва хотин-қизлар ташкил қилади. Чека ҳудуд халқини кўп йиллардан буён боғча муаммоси қийнаб келаётган эди. Яқинда маҳаллада давлат хусусий шерикчилик асосидаги 100 ўринга мўжалланган мактабга таълим ташкилоти фойдаланишга топширилди.

Тантанали тадбирда Денов тумани ҳокимлиги масъуллари, ота-оналар, маҳалла фаоллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари ва кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этишди.

Сўзга чиққанлар томонидан Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йилида иш бошлаган муассаса нафақат юртдошларимиз, балки, фарзандларимиз учун ҳам айна муддао бўлгани эътироф этилди.

Тадбиркор Мусулмон Қосимов ташаббуси билан ташкил этилган муассаса қўрилишига 103 миллион сўмдан ортиқ маблағ сарфланган бўлиб, даргоҳ юмшоқ ва қаттиқ мебеллар билан жиҳозланган. Ўғил-қизларимиз учун мусика асбоблари ҳамда турли ўйинчоқлар муҳайё. Ҳамшира хонаси, ошхона, душ ишлаб турибди. Болалар майдончаси барпо қилинган. Жажжи фарзандларимиз рус ва инглиз тилларини мукаммал ўрганишлари мумкин.


Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, янги муассаса иш бошлаши билан 14 нафар хотин-қизнинг бандлиги ҳам таъминланди. Уларнинг асосий қисми “Темир дафтар”га киритилган опа-сингилларимиздир.

— Бундан тўрт-беш йил аввал худудда 30 дан ортиқ боғча бор эди, — дейди Денов туман Мактабга таълим ташкилоти бўлими мудир, ЎзАДП фаоли Богдатур Ёшмуродова. — Ҳозир уларнинг сони 144 тага етди. Муассасаларнинг 40 таси давлат, 104 таси нодавлат мактабга таълим ташкилотидир.

Маълумки, Президентимизнинг 2018 йил 5 апрелдаги “Мактабга таълим тизимини янада ривожлантириш ва рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги тарихий қарори соҳани ислоҳ қилишда ўзига хос янглик бўлди. Дастуриламал ва ҳаётий ҳужжатда белгиланган устувор вазифалар икросини таъминлаш мақсадида чека худудларда ҳам кенг қўламли ишлар амалга ошириллаётгани қувонарли. Масалан, 2018 йилда туманда 3-7 ёшдаги 4 минг нафарга яқин ўғил-қиз боғчаларда таълим-тарбия олган бўлса, ҳозирда бу кўрсаткич 10 минг 500 нафардан оғиди. Йил охиригача болалар қамровини 13 минг 270 нафарга етказиш кўзда тутилган. Бир сўз билан айтганда, яқин келажакда қарийб 35 минг нафар жажжи ўғил-қиз дастлабки сабоқни боғчаларда олади.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ,
“Ўзбекистон овози” мухбири.

ТАДБИР



ПЕДАГОГЛАР БЕЛЛАШУВИ

Мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани, аҳоли, хусусан, ўқитувчи ва ўқувчиларни оммавий спортга жалб этиш, ишонарликда бадантарбия ва гимнастика машғулотларини йўлга қўйиш замирида соғлом турмуш тарзига риоя этишдек муҳим масала муҳассамлигидан ташқари, меҳнат самарадорлигининг ошишига хизмат қилади.

Пойтахтимизнинг Мировод туманидаги 125-умумтаълим мактабда “Спорт — саломатлиги гарови” шиори остида педагоглар жамоаси ўртасида спортнинг 6 тури бўйича мусобақа ташкил этилди. Унда мактаб ўқитувчиларидан ташкил топан 8 жамоа иштирок этди. Ҳаяжонли ва қизиқарли ўтган чаққонлик баҳсларида галиб ва совриндорлар аниқланди. Унга кўра, 1-ўринга мактабнинг она тили ва адабиёт фани ўқитувчилари, 2-ўринга жисмоний тарбия ва табиий фанлар, 3-ўринга рус тили ва адабиёти фани ўқитувчилари жамоалари лойиқ деб топилди. Мусобақа галибларига мактаб директори Нилуфар Ҳаджиматова ва ташкилотчилар томонидан диплом, фэхрий ёрлик ва эсдалик совғалари топширилди.

Бундай спорт мусобақалари жамоада соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, тиббий маданиятни шакллантиришга хизмат қилади.

МУХЛИСА АЛИМОВА,
125-умумтаълим мактабининг маънавият ва маърифат масалалари бўйича директор уринбосари.

МУРОЖААТНОМА

Аёлларнинг бизнес соҳасидаги лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш ҳамда жойларда аниқланган хотин-қизлар муаммоларини ҳал этиш учун бюджетдан қўшимча равишда 1 триллион сўмдан зиёд маблағ йўналтирилмоқда.

КИТОБ БИЗНИНГ ДЎСТИМИЗ



Жамиятимиз учун ҳар томонлама етук ва баркамол, юксак салоҳиятли, ўзининг мустақил фикрига эга, амалга ошириладиган ислохотларга бефарқ бўлмаган, юртнинг келажаги йўлида олий мақсадларга интилувчан, сергайрат, ватанпарвар, садоқатли, комил шахслар тарбиясидан муҳимроқ вазифа йўқ.

Бугунги кунда давлатимиз томонидан ёш авлодга бўлган эътибор, уларга берилётган имконият ва яратилган шарт-шароитлардан оқилона фойдаланиб, ўз билими, истеъдоди ва салоҳиятини намоён қилишга интиладиган ёшлар сафи кун сайин ортиб бораётганлиги қувонарли ҳол. Яқинда пойтахтимизда Абдулла Қодирий номидаги ижод мактаби, Республика Маънавият ва маърифат маркази ҳамда Ўзбекистон Ёзувчилар уюشمаси билан ҳамкорликда буюк адиб таваллуднинг 127 йиллигига бағишлаб "Абдулла Қодирий ижодий меросининг

ўзбек ва жаҳон адабий-эстетик тафаккури тараққиётидаги ўрни" мавзuida ўтказилган халқаро илмий-амалий конференция ёш илмсеварлар учун янги имкониятлар эшигини очди. Унда Фаргона вилояти, Бувайда туманидаги 2-умумтаълим мактабининг 10-11-синф ўқувчилари Бехрузахон Остонақулзода ва Нилуфархон Аҳматовалар ўзларининг "Абдулла Қодирий ижодининг тарбиявий аҳамияти" мавзусидаги илмий мақоласи билан иштирок этишди. Мақола юқори баҳоланиб, халқаро илмий-методик анжуман материаллари жамланган тўпламда

чоп этилиши мактаб жамоаси ва ўқувчилар учун қувончли воқеа бўлди.

— Абдулла Қодирий асарларини болаларимиздан яхши кўраман. Буюк адибнинг 127 йиллиги муносабати билан ўтказилган халқаро анжуманда биринчи марта устозларимиз билан онлайн иштирок этдик, — дейди Бехрузахон Остонақулзода. — Республикаимиздаги таниқли қодирийшунос олимлар билан бир қаторда хорижий тадқиқотчилар — Москва давлат лингвистика университети доценти, педагогика фанлари номзоди Беғам Қораева, Жанубий Қозғонистон давлат педагогика университети доценти Шахло Норалиева, Истанбул университети докторанти Отабек Тиллаев, Чимкент шаҳридаги 53-мактаб ўзбек тили ва адабиёти фани ўқитувчиси Салимжон Ғаниев, Москва давлат лингвистика университети 3-курс талабаси Александра Ўзбекованинг зоом платформаси орқали маърузаларида Абдулла Қодирий ижодининг жаҳон миқёсида ўрганилиши бўйича айтилган фикрлари бизда катта таассурот қолдирди. Айниқса, улў адибнинг набираси Шерхон Қодирийнинг маърузаларидан жудааям таъсирландик. Очигини айтишим керак, Нилуфархон билан ҳамкорликда ёзган мақоламиз бизнинг илм йўлидаги илк изланишимиздир. Кичик тадқиқотимизнинг нуфузли халқаро анжуман тўпламида чоп этилиши биз учун қутилмаган воқеа бўлди. Бу муваффақият бизни келажақда янада кўпроқ ўқиб-изланишга, устозларимизнинг ишончини оқлаш учун астойдил ҳаракат қилишга даъват этади.

Ўзбекистон ХДП Бувайда тумани кенгаши раиси ўринбосари, фахрий журналист Собиржон Отабоевнинг сўзлари ёш китобхонлар учун ўзига хос сабоқ бўлди:

— Кейинги беш йилда мамлакатимиз

сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маънавий ҳаётида туб ўзгаришлар, тарихий ислохотлар юз бермоқда. Ёшларнинг келажақда қандай инсон бўлиши, касб танлаши, шахс сифатида камол топиши, орзу-умидларининг рўёбга чиқиши уларнинг қандай таълим олиши ва китобга муҳаббат билан боғлиқ. Китобхонлики комплекс ривожлантириш учун барча имкониятлар ишга солинмоқда. Биз маҳаллалар ва мактаблардаги давра суҳбатлари, уч авлод вакилларининг учрашувларида доимо янги китоблар ҳақида фикрлашамиз. Туманимиз ёшларининг халқаро илмий анжуманда иштирок этиши таълимда амалга ошириладиган муҳим ислохотларнинг кўзгуси бўлиши билан бир қаторда уларнинг келажагига умид уйғотади.

— Мутафаккирларимиз айтганидек, "Китоб ҳам оёғинг, ҳам қўлинг, ҳам кўзинг, ҳам қўлогингдир. Китоб бебаҳо хазина, аждодлар ўтмиши, — дейди туман ҳокими ўринбосари Ҳ.Исақов. — Ўтмишни англай олсанг, келажақни режалаштирасан, у сенга ёруғ юлдуздир. Китобхон қизларимиз Бехруза ва Нилуфархон эришган ютуқ туманимиз ёшлари учун ибратдир. Китоб мутолаа қилишдан, аждодлар меросини ўрганишдан, ўқидан, изланишдан асло чарчаман. Мақсадимиз, биронта ўғил-қизимизнинг интилишлари эътибордан четда қолмасин. Улкан инқилобий ўзгаришлар, янгиланишлар остонасида турган мамлакатимиз ёшларининг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш, уларни китобхонликка, илм-маърифатга қизиқтириш, интилишларини қўллаб-қувватлаш ҳаммамизнинг вазифамиз.

Бувайда тумани 1 ва 2-сектор ҳамда туман ахборот кутубхона марказининг ташаббуси билан 2-умумтаълим мактабида ўтказилган маънавий-маърифий тадбир

доирасида Ўзбекистон Қаҳрамони, атоқли адабиётшунос олим Озод Шарафиддиновнинг "Танланган асарлар"и ҳамда Ўзбекистон халқ шоири, Олий Мажлис Сенати аъзоси Энаҳон Сиддиқованинг "Ватанга бахшида умр" китобларининг тақдими ўтказилди.

— Ёшлар бандлигини таъминлаш, уларнинг бўш вақтларини самарали ва фойдали ишларга йўналтириш борасида Бувайда туманида амалга ошириладиган ишларни кўриб жуда хурсанд бўлдик, — дейди филология фанлари номзоди, Республика маънавият ва маърифат маркази "Маърифат" тарғиботчилар жамияти аъзоси Ҳулқар Ҳамроева. — Китобни фақат ўқиш эмас, балки унинг мазмунини ўқиш, англаш ва ундан тўғри хулоса чиқаришни ҳам билиш керак. Бугунги кунда мамлакатимизда ёшлар тарбияси, маънавияти ва камоли масаласи давлат

сиёсатининг энг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Тадбирда иштирок этган навиқрон дўстларимиз инсонни камолотга етказиш буюк инъом илм-маърифат, китоб ва тафаккур эканлигига яна бир бор ишонч ҳосил қилишди.

Тадбирда Бехрузахон Остонақулзода ва Нилуфархон Аҳматовалар анжуман сертификати ва Республика маънавият ва маърифат маркази томонидан янги китоблар жамланмаси тақдим этилди. Тумандаги 2, 3, 15-умумтаълим мактаблари ва 2-ИДУМ ўқувчилари таниқли шоирлар Аъзам Ўқтам ва Минҳожиддин Мирзо шеърларидан намуналар ўқиди. Ўзбекистон ХДП Бувайда тумани кенгаши томонидан ёш ижодкорлар, фаол иштирок этган ўқувчилар тақдирланди.

Тўмарис АъЗАМ, Темур АъЗАМ.



КАРАТЭ ЯПОН ТИЛИДА «БЎШ ҚЎЛЛАР» МАЪНОСИНИ БИЛДИРАДИ

Бугунги кунда мамлакатимиз вилоятларида, шаҳар ва туманларда иқтисодий ёшларнинг маълум бир спорт тури билан шуғулланиши учун жуда катта имкониятлар яратилмоқда. Жисмоний тарбия ва спортни янада ривожлантириш, аҳолининг барча қатламларини, айниқса, ёшларни оммавий спорт билан мунтазам шуғулланишга жалб қилиш, спорт турлари бўйича терма жамоалар таркибини шакллантиришда шаффофликни таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Спортнинг ниқобсиз жанг турларидан бири каратэ ҳисобланади. Каратэ япон тилида «бўш қўллар» маъносини билдиради. Каратэ — қуролсиз ўзини ўзи ҳимоя қилиш, инсон танасининг нозик жойларига қўл ёки оёқ билан зарбалар беришга асосланган спортнинг бир тури. Ёшларимиз ўрасида спортнинг каратэ тури оммалашаётганда Ўзбекистон каратэ федерациясининг президенти, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган спорт устози, қора белб 6 — ДАН соҳибни Нурхон Нафасовнинг хизмати катта. У ўз ишининг жокуяри ва устаси ҳисобланади. Ўтган йиллар мобайнида Нурхон Нафасов қўллаб мураббий ва спорт усталарини етиштирди. Унинг шоғирдлари бугунги кунда ушбу спорт тури бўйича фахрли унвонларга эришди.

— Спорт менинг ҳаётим, — дейди Нурхон Нафасов. — Эсимда, мустақилликка қадр ҳали бу спорт тури ривожланмаган эди. Япония ва Хитой қўл жанги ҳақидаги фильмларини тез-тез кўриб турардим. Илгарили бундай фильмларни

кўриш ҳам тақиқланган эди. Кейинчалик бизда каратэ спорт турига ҳам қизиқиш уйғона бошланди. Спортчиларнинг ҳаракатларини диққат билан кузатардим. Шу тариха спортнинг каратэ турига қизиқиб қолдим. Каратэ машғулотларида маҳалламиздаги болаларни ҳам жалб қилдим. Ҳовлимизда улар билан каратэнинг усулларини машқ қилардим бўлди. Болаларнинг спортга бўлган эътиборини кучайтирдим. Шу тариха бу спорт тури оммалашиб кетди.

Аҳолининг қизиқиши ва хоҳиш-истакларидан келиб чиқиб, умумтаълим мактаблари, олий таълим муассасаларида каммида биттадан ривожланаётган миллий спорт турларига ихтисослаштирилган янги спорт мактабларини ташкил қилиш бугунги кун талабига айланмоқда.

Яқинда мамлакатимизда спортнинг каратэ тури бўйича катталар, ёшлар ва ўсмирлар ўртасида бўлиб ўтган Ўзбекистон чемпионати мусобақаларида чемпионат доирасида турли кўргазмалар қилишлар, концерт дастурлари намойиш этилди. Нурхон Нафасовнинг шоғирдлари мусобақада ўз маҳоратларини кўрсатиб, совринли ўринларни қўлга киритишди. Мазкур соҳани ривожлантиришда пешқадам ва фидойи бўлиб келаётган Нурхон Нафасовдек спорт усталари қўлаярверсин.

Сабоҳат ТҲУТАБОВЕВА, Тошкент давлат транспорт университети академик лицейи она тили ва адабиёт фанлари кафедра мудири.

РЕКЛАМА ЎРНИДА

РЕСПУБЛИКА ШОШИЛИНЧ ТИББИЙ ЁРДAM ИЛМИЙ МАРКАЗИ НАМАНГАН ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ аҳоли хизматида

Мамлакатимизда аҳоли саломатлигини асрашда муҳим тузилма — шошилинч тиббий ёрдам хизмати янада ривожлантириш, фаолият самарадорлиги ва тезкорлигини янада ошириш бўйича бир қатор чора-тадбирлар йўлга қўйилмоқда.



Тиббиёт соҳасини жадаллик билан ривожлантириш, шу вақтгача жазм этилмаган ўта мураккаб ва ноёб операциялар ўзимизда муваффақиятли амалга оширишга бошлаганлигини Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Наманган вилояти филиали тиббиёт муассасаси мисолида кўришимиз мумкин. Ушбу марказда шифокорлар хорижий давлатларнинг нуфузли тиббиёт соҳаларида малака ошириб, улар билан ўзаро ҳамкорликда бир қатор янги турдаги жарроҳлик операцияларини тизимга жорий этишмоқда. Шу билан бир қаторда, беморлар саломатлиги учун яхши шарт-шароитлар яратиш мақсадида тиббиёт марказида янги кўнрада замонавий тизимда реконструкция ишлари низоҳатда бормоқда.


— Мухтарам Президентимиз таъкидлаб ўтганларидек, "Республика ихтисослашган марказларнинг вертикал иш тизимини жадаллаштириб, уларни оилавий шифокор пунктлари билан боғлаш зарур". Бу Борада Наманган таърибасини кенгайтириб, барча беморларни пойтахтга юбормасдан, уларга яшаш жойида ихтисослашган тиббий ёрдам олиш имкониятини яратиш кераклигини алоҳида эътироф этганлигига тиббиёт муассасамизда янада кенг қўламли ишлар олиб боришимизга туртки бўлди", — дейди

филиал директори Абдор Алижонов.

Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Наманган вилояти филиали тиббий муассасалар учун ташкилий услубий марказ бўлиб, вилоят аҳолисига юқори малакали ихтисослашган шошилинч тиббий ёрдам кўрсатишга хизмат қилиб келади. Ҳозирги кунда марказ 350 ўринга мўлжалланган қўйидаги 21 та клиник бўлимларга эга. Жумладан, болалар соматикаси (30 ўрин), болалар жарроҳлиги (20 ўрин), 1-жарроҳлик (20 ўрин), 2-жарроҳлик (20 ўрин), 3-жарроҳлик (20 ўрин), урология (20 ўрин), гинекология (20 ўрин), қон-томир жарроҳлиги (20 ўрин), болалар реанимация ва анестезиология (12 ўрин), қуйганлар (25 ўрин), заҳарланганлар ва экстракорпорал детоксикация (10 ўрин), барвақт реабилитация (30 ўрин), шошилинч кардиология (40 ўрин) ва неврология (30 ўрин), қўшма мураккаб шикастлар ва нейрохирургия (25 ўрин), травматология (20 ўрин), терапевтик (12 ўрин) ва хирургик реанимация (10 ўрин), нейроревматизм (8 ўрин) бўлимлари ва қабулхона беморлар хизматида. Шу билан бирга, ёрдамчи ва диагностика бўлимлари ҳам мавжуд.

Марказда ўтган даврда малакали шифокорлар томонидан 100 дан зиёд янги диагностика ва даволаш усуллари амалиётга татбиқ этилди. Янги замонавий назорат диагностика ва сунъий нафас олдириш ҳамда наркоз аппаратларини ишлатилиши, перидурал анестезияни қорин бўшлиғини юқори қисмларида бажариладиган операцияларда қўлланилиши, найсимон суюқларни очик ва ёпиқ синишларида экстрамедуляр стергентли компрессион остеосинтез қилиш, мия ичи инсулет гематомаларида актив дренажлар ўрнатиш; умуртка погончаларини асоратли синишларида умурткаларини олдинги вертебротомияси ва трансдисккуляр стабилизация қилиш, жигар абсцесси ва йирингли эхинококзларини ҳамда қорин бўшлиғидаги йирингли жаранвларни ультрашўв назорати остида «функция-дренажлаш» операциялари, болаларда папароскопик апендектomia йўлга қўйиш бўйича ишлар олиб бориладиган тиббиёт соҳасидаги янги ўзгаришларга сабаб бўлди.

Бундан ташқари, жуда қўллаб-қувватлаш турларида қарши курашиш ва даволаш чора-тадбирларини ошириш мақсадида марказининг олий тоифали шифокори, кўп йиллик таърибага эга бўлган Баркамол Исаков томонидан кенг турдаги тиббий илмий изланишлар олиб



борилмоқда.

Бугунги кунда филиалда 2 нафар тиббиёт фанлари доктори ва 7 нафар тиббиёт фанлари номзоди ҳамда кичик тиббиёт ходимлари фаолият кўрсатмоқдалар.

РШТЕИМ Наманган филиалида кадрлар малакасини оширишга ҳам катта эътибор берилмоқда. Жумладан, «Болалар хирургияси бўлими» шифокори Бахтиёр Жаббаров 2016 йил январь ва февраль ойларида Дехли шаҳридаги «Super Specialty Hospital» клиникасида «Болаларда папароскопияни қўллаш» бўйича 2017 йил август ойда Австриянинг Зальцбург шаҳрида «Болалар хирургияси» бўйича малака ошириб қайтди. Бундан ташқари, филиалнинг нейрохирургия бўлими шифокори Сайдулло Шарифбаев ҳам бир неча хорижий давлатларда нейрохирургия соҳасини ривожлантириш бўйича 2008 йилда Хиндистоннинг Дехли шаҳрида, 2015 йилда Австриянинг Зальцбург шаҳрида «Нейрохирургия» халқаро семинарда, 2017 йилда 3 ой давомида Япониянинг Токио шаҳрида «Нейрохирургия» йўналишида, 2014 йилда Қозғонистоннинг Астана шаҳрида ўтказилган «10-Осиё нейрохирургия конгрессида», 2015 йилда Италиянинг Рим шаҳрида ўтказилган «Халқаро Нейрохирургия Жамаиялари Ассоциацияси»нинг 15-халқаро конгрессида ўз мақолалари билан қатнашиб, «Еш нейрохирурглар учун грант» соҳиб бўлди.

Бундан ташқари, жуда қўллаб-қувватлаш турларида қарши курашиш ва даволаш чора-тадбирларини ошириш мақсадида марказининг олий тоифали шифокори, кўп йиллик таърибага эга бўлган Баркамол Исаков томонидан кенг турдаги тиббий илмий изланишлар олиб

тиббий хизмат сифатини янада ошириш, малакали мутахассислар тайёрлаш, янги самарали тиббий хизмат турларини кириштириш, мутахассисларнинг доимий малакасини ошириб бориш, филиални замонавий тиббий технологиялар билан жиҳозлаш, янги технологияларни жорий этиш (бюджет маблағлари, хорижий инвестициялар, грантларни жалб этиш), РШТЕИМ НФ ва унинг филиалларидаги маънан эсирган тиббий усулларни янгилаш бўйича улкан режаларни мақсад қилиб қўйилганлиги тиббиёт соҳасида ижобий ўзгаришлар бўлаётганидан дарак бермоқда.

Дарҳақиқат, замонавий тиббиётни юқори технологияларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Шунга қўра, марказда трансплантология ривожига алоҳида эътибор қаратилмоқда ва бу келгусида ҳам давом этади. Молекуляр ва нуклеар тиббиёт, робот ёрдамидаги операциялар учун ускуналар ва даволашнинг бошқа юқори технологияли жарроҳлик усуллари жорий қилиш ҳам кўзда тутилган.

Эътиборга монанд ҳалол меҳнат қилиш, давлатимиз томонидан яратиб берилган замонавий тиббий хизматдан аҳолининг барча қатламлари баҳраманд этиш ва халқимизни рози қилиш вазифаси соҳа ходимларига юклатилмоқда. Ишонимки, бундай масъулиятли вазифани урдалаш учун тиббиёт марказининг илмий ва амалий салоҳияти етарли, шифокорлар баҳамжиҳат бўлиб имкониятларни тўлиқ ишга солиб меҳнат қилиш, «саломатлик посбон», деган улў номга муносиб бўлишди, халқимизнинг ишончи ва меҳрини қозонишга албатта эришишди.

Дилдора СУЛТОНОВА.

O'ZBEKISTON OVOZI

МУАССИС:



Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

Ulug'bek INOYATOV

Ulug'bek VAYFOYEV

Mahmud TOIR

Qalandar ABDURAHMONOV

Guliston ANNAQILICHEVA

Muslihiddin MUHIDDINOV

Hayotxon ORTIQBOYEVA

Toshtemir XUDOYQULOV

Qabulxona — (71) 233-65-45

Xatlar va murojaatlar uchun — (71) 233-12-56

Reklama va e'lonlar uchun — (71) 233-47-80

E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ: 100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etiladi. Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy. Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosiladi. Hajmi — 4 bosma taboq.

Gazeta haftaning chorshanba kuni chiqadi. «O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 441, 3043 nusxada bosildi. Nashr ko'rsatkichi — 220. t — Tijorat materiallari O'za yakuni — Topshirilgan vaqt — 17:30.

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatches: Toshtemir XUDOYQULOV Sahifalovchi-dasturchi: Bekzod ABDUNAZAROV

